Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
42 сон 19 — 25 октябр 2006 йил

Оиламиз меҳмони

КЎНГИЛЛАРГА ГУЛ ЭКДИМ



«Ҳаёт—ўғлимнинг ташвишлари билан ширин, унинг меҳри билан нурафшон ва гўзалдир»...

Сурхондарёлик таниқли адиба, вилоят хотин-қизларининг "Аёл ва замон" газетаси бош муҳаррири Жамила Эргашева билан журналистика факултетида бирга таҳсил олганмиз. Тенгдошмиз. Табиийки, суҳбатимиз шу дамгача қўлга киритган ютуқларимиз, орзу-умидларимиз ҳақида бўлди.

— Жамила, ҳаш-паш дегунча 50га ҳам кириб қолдик. 50 — умрнинг катта бир довони. Шу довон устида туриб ортга қараган чоғ кўнглингиздан қандай туйғулар ўтади?

— Ҳар қалай, "эсиз-а, шундай умр бекор оққан сувдай ўтиб кетибди-я", деган армон йўқ кўнгилда. Қарийб 30 йилдан буён матбуотда ишлайман. Матбуотда ишлаб туриб, халқ ташвишларидан айро яшаб бўлмайди. "Бор умидим сиздан, Жамила опа" деб бошланувчи мактубларни бағримга босганча Сурхондарё заминини неча юз бор пиёда кезиб чиққанман. Кимларнингдир кўнглига гуллар экдим. Кимларнингдир ўчоғига ўт, қозонига гўшт, ёғ бўлдим.

— Жамила, қатор китоблар чиқардингиз. Ҳикоя-қиссаларингиз ҳам қанча кўнгилларга маънавий озуқа бўлди. Сиз ҳақингизда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаев: «Наср адибдан катта куч-қувватни, вақтни, тасвирда мумкин қадар холис ҳатто шафқатсиз бўлишини талаб қилади. Энди барча шу тўсиқларни босиб ўта олган аёл ёзувчини тассавур этинг-чи? Бундайларга қойил қолиш керак. Бунинг устига маҳорат бобида талай эркак адиблардан ҳам ўтказиб ёза олса...

Жамила - ана шундай адибларимиздан бири..." деб ёзган эди. Ўзингизга-чи, ўзингизга ёқадими ёзганларингиз?

— Нима десам экан? Кимнингдир боласи жуда тиришқоқ, истеъдодли, бошқасиники ўйинқароқ, отаонаси минг суяса ҳам ўзини эплаб кета олмайди. Аммо ота-она ўша истеъдодли болани ҳам, истеъдодсиз болани ҳам бирдек муҳаббат билан севади. Қалб нури билан битилган асар ҳам фарзанддай гап. Уни яхши кўраверасиз, аммо жаҳон адабиёти дурдоналарини ўқиган дамларда гўё истеъдодсиз боланинг онаси истеъдодли боланинг онаси олдида мулзам тортгани каби мен ҳам ёзганларим учун уялиб кетаман.

— Марказдаги ижодий муҳитдан узоқ, чекка бир вилоятда яшаш ҳам ижодий фаолиятга ўз таъсирини ўтказмай қолмаса керак?

— Тўғри, муҳит - ижодкор учун катта омил. Аммо ўзида бўлмаган инсон энг қайноқ ижодий муҳитда яшаса ҳам, энг улуғ ижодкорлар билан кеча-ю кундуз ҳамқадам, ҳамнафас юрса ҳам бирон натижага эришиши қийин. Ҳақиқий ижод илоҳий жараён, илҳом елкаларингизда ўтириб, қулоқларингизга қуйма сатрларни шивирлаб айтиб тургувчи фаришталардир. Марказдан узоқда яшаётган ижодкорлар вақтли матбуот, китоблар орқали у ердаги ижодий муҳитдан доимо маънавий озуқа олиб турадилар. Ўқийверсангиз яхши ижодкорлар ғойибан устозингизга, дўстингизга айланадилар. Уларнинг ижодидан маслаҳатлар оласиз, уларга ҳаёлан суянасиз. Устоз Шукур Холмирзаев билан Озод Шарафиддинов мен учун ана шундай суянгувчи тоғ эдилар. Ҳар қандай вазиятда "Шукур ака бор-ку, Озод ака бор-ку", деган тасалли менга далда бўларди. Улар кетгач, юрагим ҳувиллаб қолди, ҳатто ваҳимага ҳам тушдим: "Энди биров бирон нарса деса, кимга бораман?" деган хаёл ҳам келди кўнглимга. Йўқ, мен бу инсонларни ҳаётликларида ҳам бирон муаммом билан ҳеч қачон безовта қилмаганман. Ҳамиша ўзимга ишониб, кўнглим тўқ бўлиб юрган.

«30 йилдан буён матбуотда ишлайман. Бўлажак қаҳрамонларим билан деярли ҳар куни мулоқотдаман»,-дейди Жамила Эргашева (суратда-чапдан иккинчи).

— Жамила, "Аёл жодуси" номли китобингиз босмадан чиққанига ҳам икки йилча вақт ўтди. Нега янги асарларингиз кўринмаяпти?

— Устозларим, дўстларим ҳам мени кўпдан бери роман жанрида ўзимни бир синаб кўришга даъват этиб келишарди. Ҳатто, хўжалик раҳбари бўлиб ишлайдиган бир дугонам: "Жамила, бир роман ёз, ўқиб масза қилайлик", - деган эди. Мана шу даъватлар сабаб бўлиб, қолаверса, мен қаламга олган тарихий мавзуни бошқа жанрга сиғдириш қийин бўлгани учунми, ҳозир бир катта асар устида иш олиб бораяпман. У ўзимга маъқул тушган кун мухлисларимга тақдим этаман.

— Сиз аввало оила бошлиғисиз. Яқинда яна бир мансаб курсисига — қайноналик лавозимига эришдингиз. Маззами?

— Ҳар қалай ёмон эмас. Бекалик остонасида ҳориб, уй юмушлари ёқмай турган бир дамда кимдир келиб қўлингиздан барча ишларингизни олади. Аммо осон ҳам эмас. Ўша юмушларни олган келинни қизим дейсиз, лекин қизингиз каби тантиқлик қилишини сира истамайсиз. Шу билан бирга унинг худди ўз қизингиз каби меҳр кўрсатишини истайсиз. Қайнона-келинларнинг бир-бирини инкор қиладиганлари жуда кўп. Шунинг учун ҳам ҳамиша улар ўртасида норозиликлар, баъзан зиддиятлар бўлиб келган. Бу норозиликларни ўзбекона андиша билан пинҳона тарзда ўтказа олган қайнона-келин таҳсинга лойиқ.

Оилада кўп нарса қайнонанинг инсоф, диёнатига боғлиқ, деб ўйлайман. Келин ёш, бировнинг боласи. Унинг ўзини, кўнглини авайлаб, меҳр берсангиз, албатта меҳр кўрасиз.

Бу дунёда фақат "масза" бўладиган нарсанинг ўзи йўқ. Яшаш бу-меҳнат, яшаш бу-жасорат, билиб-билмай қилган гуноҳларингга каффоратдир. Бежизга минг ойнинг юзини кўриб 85 ёшга кирган одамжаннатидир, дейилмайди. 85 йил умр кўриш бахт, айни пайтда шунча яшаш осон эмас. Тирикликбахт, катта имконият, аммо айтиш мумкинки, бу бахтга машаққат билан эришасиз.

- Дунёдан тўйган, толиққан пайтларингиз нимадан куч-қувват оласиз?

- Аёлни бежизга ожиза дейишмайди. Бизнинг дунёдан безмоғимиз учун кўп нарса керак эмас. Аммо яна бир гап бор: аёлнинг қирқ жони бор, дейдилар. Бу қирқ жоннинг бири ўзи бўлса, қолганлари ота-онаси, фарзандлари, ака-укалари, эли, хилихеши бўлса керак. Шулар олдидаги масъулият "Кўзларингни арт аёл!" дейди ҳамиша. Менда ҳам шундай бўлади. Қолаверса, дунёга инсон бир марта келади, яхши ишлари, яхши амаллари билан ном қолдириши керак.

- Ишонган кишиларингиз, дўстларингиз хиёнатига дуч келганмисиз? Шундай дамларда қалб оғриғига қандай малҳам топгансиз?

-Хиёнат жуда бешафқат ўқ, у қалбни яралайди. Одамзодга ўша ярадор қалбни чангаллаб туриб ҳам олдинга интилишни ҳаётнинг ўзи ўргатаркан. Мен панд еган пайтимда энг аввал хато, нуқсонни ўзимдан ахтараман. Дўст танлашда адашдингми, мардга ўзингни, кўнглингни ишондингми, демак, одам танимас экансан. Энди кўнглингни меҳнатга бер, кеча-кундуз ишлагинки, кўксингдаги ярани эслашга вақтинг бўлмасин. Бу меҳнат нафақат сени овунтиради, балки дўстларингнинг олдида ҳам, кўксингга хиёнат ханжарини қадаган кимсалар олдида ҳам қаддингни тоғдек юксалтиради. Юксакларда туриб назар ташланса, ўша ишончингни топтаганлар ҳам, уларнинг хиёнати ҳам майда бўлиб кўринади. Бу туйғу-кўнгил ярасининг малҳамидир.

- Оллоҳ кечиримли бандаларини севади...

- Мен ҳам кечиримлиман. Аммо кечириш яна қайта кўнгил бериш, ишониш дегани эмас. Қолаверса, ҳар бандани аввал Оллоҳ мағфират қилсин.

- Аёл киши учун ёзувчилик эркакларга қараганда, қийин кечса керак...

- Эркакларни билмадиму, аммо аёл учун ҳам аёллик, ҳам ёзувчиликни баравар эплаш жуда қийин иш. Оллоҳ аёлнинг зиммасига миллат бешигини тебратиш, уни тарбиялаб, камолга етказиш, оила муҳитининг мўътадиллигини таъминлашдек жуда оғир, жуда масъулиятли вазифаларни юклаган. Улар шундай вазифаларки, умрингнинг охиригача бутун вужудинг, бутун қалбингни забт этади. Бу қалбга адабиётни, ижод масъулиятини ҳам киритиб, рисоладагидек ижодкор бўлиш учун, энг аввало ўша қалб жуда улкан бўлмоғи лозим. Ўша аёлда катта бир истеъдод ва истеъдодни тарбиялай оладиган маънавият бўлиши керак.

Адабиёт ҳам, аёллик қисмати ҳам фидойилик, қурбонлик талаб этади. Битта жонни икки карра қурбон қилиш жуда мураккаб иш. Бу ишни уддалаган ҳамжинсларимга ҳавас қиламан.

- Аёллик қисматингиздан розимисиз?

- Нега норози бўлай - ахир бу қисмат менга оналик бахтини берди.

- Овқат пиширишни яхши кўрасизми? Энг севимли таомингиз?

- Албатта. Фарзандини яхши кўрган ҳар қандай аёл унинг оғзига ширин-ширин таомлар тутиб, уни қувонтиришни истайди. Ўғил болалар ёғли-ёғли, қуюқ, айниқса, хамирдан қилинадиган таомларни яхши кўради. Худонинг берган куни манти, хоним, чучвара, сомса қилар эдим. Ҳозир эса, худога шукр, қозон-товоқ, тахта-ўқлоғини келинга топширганман.

Севимли таомим-паловхонтўра. Паловнинг ўнлаб турини биламан: тўғрама палов, майизли палов, каваток палов, тошкентча палов ва ҳоказо. Палов тўйимли, хушхўр таом. Унинг гуручи иммунитетни оширармиш, гўшти оқсилни кўпайтиради, сабзи қоврилган ёғ ҳам жуда фойдали. Жуда тез тайёрланадиган, камхарж, камташвиш, аммо меҳмонингизнинг иззатига етадиган таом.

- Суҳбатингиз учун катта раҳмат.

Суҳбатдош—
Санобар ФАХРИДДИНОВА.

(Ёзувчи Жамила Эргашеванинг янги ҳикоясини газетамизнинг 12-бетида ўқийсиз).

Саҳифа Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида «Оналик ва болалик муаммолари, хотин-қизларнинг давлат ва мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар" лойиҳаси бўйича тайёрланди.

Қизларнинг қўл меҳнатини кўринг, - дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар Темирова мамнунлик билан.

ОИЛАГА МАДАДКОР МАСКАН

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

Оиладаги муаммолардан диққати ошган бир аёл ўз дардларини ёки бошидаги ташвишини кимга айтишни билмайди. Фарзанди, эри, ёки ўзида кечаётган руҳий жараённи тушуниб етолмай, боши қотади. Қаерга бориб, кимдан маслаҳат сўрайди? Иккинчи бир аёл турмушидаги етишмовчиликлар туфайли қўшимча даромад топмоқчи бўлади-ю, аммо қўлида бирор ҳунари йўқлиги муаммо.

Бухоро вилоят хотин-қизлар қўмитасининг галдаги мақсади мана шундай хотин-қизларимиз учун ҳар дамда зарур бўлган бир гўша ташкил қилиш эди. Шу йўлда "Мадад" оилани қўллаш маркази ташкил этилди. Бу марказни узоқ йиллардан бери Бухоро хотин- қизларининг ҳаёти ва фаолияти билан ҳамнафас бўлиб келаётган фидоий аёл Зумрад Кенжаева бошқаради. Биз раҳбардан марказ фаолияти ҳақида сўрадик.

- Марказимиз Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони доирасида ташкил этилган. Асосий мақсадимиз кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардаги ўсмир қизлар, аёлларга уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда, ҳаётда ўз ўринларини топишга кўмаклашиш, психологик-ҳуқуқий, тиббий ёрдам бериш, ҳимоя қилиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш, усто-шогирд йўналишида касб-ҳунарга ўргатиш, иш ўринларини яратиш ва ривожлантириш, семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ташкил этиш, бу борада кўнгилларни жалб этиш, хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш ва ўргатиш, вилоят ва шаҳарда марказ бўлинмаларини ташкил этишдан иборат.

Зумрад Кенжаева марказда таҳсил олган хотин-қизларга сертификат топширмоқда.

Хотин-қизлар ўртасида қиз болаларни келажакда оила қуриш, оналикка тайёрлаш мақсадида "Аёл ва оила", "Соғлом оила жамият кўрки", аёлларнинг диний экстремистик оқимларга кириб қолишини олдини олиш мақсадида "Ислом ва аёл", "Ниқоб ортидаги ниятлар" мавзусида, ишсиз хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтириш учун қатор давра суҳбатлари ўтказилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар аниқлаб чиқилди, хотин-қизлар хоҳиш истаклари ўрганиб борилди.

Бухоро шаҳрининг "Ширбуддин", "Отбозор", "А.Ғиждувоний", "Ж.Икромий" маҳаллаларида марказ бўлинмалари ташкил этилди ва фаолияти олиб бормоқда. Марказда 40 нафар хотин-қизлар усто-шогирд йўналишида касб-ҳунарга ўргатилди ва ўз уйларида фаолиятларини давом эттириш учун тавсиялар берилди.

Марказнинг зардўзлик цехида Ўзбекистон Қаҳрамони Муяссар Темирова хотин-қизларга ўз ҳунарини ўргатиб келмоқда.

Марказда тикувчилик цехи, репродуктив саломатлик хонаси, саломатликни тиклаш-тренажер заллари мавжуд.

"Мадад" маркази Ўзбекистон Республикасида ННТлар лойиҳаларини молиялаштириш учун танловда қатнашиб, "Кам таъминланган қизларни, аёлларни оилавий ҳаётга маънавий, жисмоний, тиббий-психологик ва касбий тайёрлаш мақсадида 4 ойлик махсус ўқув-тарбия курсларини ташкил этиш" лойиҳаси билан ғолиб деб топилди. Ушбу ўқув курсида кам таъминланган оилаларнинг 20 нафар ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган қизлари сабоқ олишади.

"Мадад" марказининг ишонч телефони ҳам мавжуд.

Зумрад Кенжаева таъкидлаганидек, марказда айнан кам таъминланган, ночор оилаларнинг хотин-қизларига бепул хизмат кўрсатилар экан.

"Мадад" марказидан қайтар эканмиз, дилимиздан ҳамма нарса эътиборга, ҳаракатга боғлиқ деган фикр кечди. Фаровон турмуш учун баҳамжиҳат бўлсак, бир-биримизга мададкор бўлсак, албатта муродга етамиз. Бу йўлда фидокорлик кўрсатаётган "Мадад"га юксак парвозлар тилаб қоламиз.

Матлуба ШУКУРОВА

ЭЛЛИК ЙИЛ ЁНМА-ЁН

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани Олим Хўжаев маҳалласида истиқомат қилувчи Абдурашид ака нафақат ўз оиласига балки бутун маҳаллага бошқош. Бир умр бадиий буюмлар фабрикасида ишлаган бу меҳнаткаш инсон қарилик нафақасига чиққач ҳам бекор ўтирмади. Тўғрироғи, маҳалладошлари отахонни ҳол-жонига қўймай маҳалла идорасига бошлашди. Чунки бу инсоннинг ақл билан иш кўриши, кенг фикр юритиши, ҳалоллигини ҳамма яхши биларди. Ота ҳам ўз гўшасининг гуллашини, бу ерда фақат яхши инсонлар яшашини жон дилидан истарди. Шу сабаб аҳолининг тинчлиги, оилалар хотиржамлиги, ёшлар тарбиясини ўйлаш оқсоқол ҳаётининг мазмунига айланди. Бу ишларда албатта Абдурашид отанинг ўз оиласи бошқаларга намуна бўлди.

- Мана эллик йилдирки ҳаммаслак бўлиб яшаб келаётган болаларимнинг онасидан миннатдорман. Хонадонимдаги файзу барокат, ўғил-келин, қизу куёвларим ўртасидаги иттифоқликда аёлимнинг беқиёс хизмати бор, - дейди отахон мамнун кайфиятда.

Қумрихон ая умр йўлдошининг бу сўзларидан ҳижолат бўлиб жилмаяди.

- Умрнинг оқар сувлигини қаранг, ўн еттита неварага бува, буви бўлибмиз,- дея суҳбатимизга қўшилади ая.- Кечагина фабрикада бирга ишлардик. Ўтган йилларга назар ташлайманки, амакингиз билан қўшган тақдиримдан суюнаман. Олтита фарзандни улғайтирдик. Уларнинг муваффақиятини, маҳалладаги ҳурматимизни ҳалол меҳнатимиз, инсонларга самимий муносабатимиздан деб биламан.

Биз эллик ёшли бу оиланинг бахт-саодати бардавом бўлишини тилаб қолдик.

Музаффар МУҲАММАДНАЗАР

БОҒ ЖАМОЛИ БОҒБОНДАН

Марҳабо Отахонова Наманган вилояти, Косонсой туманидаги "Шукрона" фермер хўжалигини бошқаради.

Шу ерда туғилган. Мактабни тугатгач, ота-онаси уни эрта турмушга узатишди. Аммо далада ўсган, далани жонидан яхши кўрган қизнинг орзулари бир жаҳон эди. Бу орзу уни Тошкент қишлоқ хўжалиги техникумига етаклади. У далада оддий колхозчи бўлиш билан бирга илмгоҳни сиртдан тугатиб, агроном бўлди.

1992 йилдан хўжаликда агроном, бригадир бўлиб ишлади. Болалар боғчасида мудиралик ҳам қилди. Аммо ердан кўнгил узиб кетолмади. 2001 йил "Шукрона" фермер хўжалигини ташкил қилди. Тендерларда қатнашиб, аввал 57 гектар, 2006 йил эса яна қўшимча 25 гектар ер ютиб олди.

Асли деҳқоннинг қизи отасига муносиб меросхўрлигини намойиш қилди. Кечакундуз ерини ўз боласидай парваришлади. Ғалла, пахта экди. Тажрибали деҳқонлардан ҳар бир экин билан тиллашиш сирларини ўрганди. "Деҳқоннинг хазинаси - ер, калити - тер" дейишганидек, Марҳабонинг заҳматлари зое кетмади. Бу йил ғалла режасини 150 фоиз қилиб бажарган бўлса, пахта ҳосилини 65 тоннага етказди. Марҳабо 1,5 гектар майдондаги узумзоридан ҳам 12 тонна ҳосил кўтарди. Битта аёлнинг қудрати шунчалик бўлади-да. Ўғли Амирхон эса доим онасига ҳамроҳ. У ҳам келажакда катта ер эгаси бўлса ажабмас...

Санобар ФАХРИДДИНОВА

АЁЛНИНГ ЁРҚИН СИЙМОСИ

Юртимиз истиқлоли шарофати билан азиз аёлларимизга бўлган эътибор янада ортмоқда. Бугунги кунда улар давлат ва жамият бошқарувидан тортиб, турли соҳаларда ҳам ўз ўрнига эгадирлар. Мамлакатимизда қонун чиқарувчи ҳокимият - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатида ҳам уларнинг ўрни алоҳида.

Ҳаёт кўзгуси ҳисобланмиш матбуотда ана шундай фаол аёллар сиймосини яратиш, улар фаолиятини янада кенгроқ ёритиб бориш бугунги кунда долзарб вазифалардан бирига айланмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтказилган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро Маркази ҳамда Конрад Аденауэр фонди ҳамкорлигида "ОАВда аёл сиёсат арбоблари сиймосини яратиш" мавзусида ўтказилган давра суҳбатида Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар фаоллари, журналистлар ва турли ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори Маъруфжон Усмонов тадбирни кириш сўзи билан

Ахборот

очар экан, бугунги кунда парламентдан тортиб сиёсий партиялар, фондлар ва жамғармалар, ташкилот ҳамда идораларда, ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида фаоллик кўрсатишаётган илғор фикрли, ташаббускор аёллар фаолиятини кенг ёритиш баробарида ОАВда уларнинг имижини яратиш нечоғли муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Баҳс-мунозараларга уланган давра суҳбати иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди.

Тўлқин ЭШБЕК,
"Сиёсат" ахборот - таҳлил маркази эксперти.

Саҳифа Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида «Оналик ва болалик муаммолари, хотин-қизларнинг давлат ва мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар" лойиҳаси бўйича тайёрланди.

Қадриятларимиз

ШУКРОНАГА ТЎЛИҚ КУН

Бу йилги ҳайит боғлар ширага тўлган пайтга тўғри келаётир. Болалик давримдаги ҳайитлар эсимга тушаверади. Бадахшон қишлоғи бир кечада яшариб кетарди. Оталар хуржун тўлатиб бозорлик келтирардилар. Кела-келгунча палончининг боласию писмадончининг неварасига хўрозқандлар, соч холваю кунжут холвалар, оқ сақичу ёнғоқмағизлар улашиб келадилар. Энам уч-турт кун қадалиб игналаган шойи белқарслар тўртта нордек ака-укаларимнинг белларини маҳкам қучоқлаган, биз қизалоқлар эса кимнинг сатин кўйлаги гулдорлигидан бас бойлашиб чуғурчуқлар қиёфасига кирардик. Эчкидум сочларимизни бир кечада уп-узунга айлантирган жамалаклар хуш кайфият берар, кафтларимиз хинодин уялиб қизарган.

Ҳовлилар супирилиб, ташқари эшик олдилари-ю, хов нарёққача озодаланган. Эсини таниган бўй қизлар арафа кунигача уйларни қоқиб-суқиш, човгуму самоварларни чарақлатиш, қозон куйдириш, ўчоқ бошларини саранжомлаб, ҳовлида кир қолдирмасликка ҳаракат қиладилар. Кўча юзларига гиламлар, шохию бахмал кўрпачалар тўшалиб, дастурхон ёзилган.

Ҳайит кунлари гох Бадахшоннинг тупроқли кўчаларидан, гох Дашотовул, гох Тўртоғайни қишлоғи тарафлардан тоза ёпқичлар билан безалган оқ от суворийни олиб ўтарди. Кўркам беқасам чопони яхшиликлардан дарак берувчи суворий тиззасида сандиқча – фотиҳа қилинган қиз учун ҳайитлик. Сандиқ ичи ифорли атирларга, ўсмаю хинога, кунжут ҳолвага тўлиқ. Ва яна шилдироқ қоғозлар қатида келинчак учун оқ шохи рўмол.

Мана, бу йилги ҳайитга ҳам тўрт-беш кун қолди. Мен сенинг қутлуғ қадамингни бўй қизларнинг қирқ кокил сочларида, онахонларнинг "сенга куёв, менга палов" деган эрка айтимларида, лов-лов ёнган атлас либосларда, бир-бирларига меҳр-муҳаббат улашаётган элдошларимнинг самимий чеҳраларида кўраман. Чинордек акаларимнинг белларига қувват берган потискали белқарслар, бошларини омон сақлагувчи қалампирнусха дўппиларда ҳис қиламан. Ҳайит... Яхшилик,эзгулик уруғини сочувчи байрам. Ҳадисда ёзилишича, бундай кунлари одамлар бир-бирларига илтифотли бўлса соз, оғриқли кўнгилларга таскин-тасаллилар берсалар гўзал, сизнинг дилингизга озор берганларни кечирмоқ даркордир. Яхши ниятлар билан бир бирларига хайитликлар улашмоқлик қанчалар файзли. Ўртада бир даврлар бўлди. "Ҳайитларни байрам қилиш бидъат", деб бонг урдилар. Яратганга шукрлар бўлсинким, онг эркинлиги, руҳ эркинлиги, миллат саодати қуёшдек балқиди-ю, нурлари билан ҳайит юзига суртилган қора доғларни-да ювиб юборди. Ҳайит юртбошимиз ташаббуслари билан мамлакатимиз миллий байрамлари қаторига киритилди. Йиллар ўтаверди. Рўйи замин узра одамларга меҳр-оқибат созини чалиб ҳайит ҳар йили кириб келаверади. Менинг содда, оққўнгил ҳамқишлоқларим ҳайитни қандай қаршилаб, қандай ўтказадилар сизга сўйлаб бердим. Агар қабул қилсангиз, бу менинг сизга ҳайитлигимдир.

Гулжаҳон МАРДОНОВА, журналист

КЎЗГА НУР БАҒИШЛАБ...

Миннатдорчилик

Кунлардан бир кун онажонимнинг кўзлари хиралаша бошлади. Дори-дармон қилдик бўлмади. Орадан сал ўтмай бир кўзлари тамоман кўрмай қолди. Онамни "қандли диабет" ҳам безовта қиларди.

Тошкент шаҳрида жойлашган "Кристалл" номли кўз касалликлари шифохонаси ҳақида ижобий фикрлар эшитгач, у ерга боришга қарор қилдик. Шифохонадаги шарт-шароит, беморларга кўрсатилаётган меҳр-мурувватни кўриб, қалбимиз қувончга тўлди. Кўли енгил шифокорлар кўмагида (жаррохлик йўли билан) онамнинг кўзи кўра бошлади. Биз фарзандлар онажонимиз кўзига нур бағишлаган жонкуяр шифокорлар Клара Валиева, Умида Алимова, бош ҳамшира Фотима Алимовалардан умрбод миннатдормиз.

Зулфия САМАДОВА,
Қашқадарё вилояти.

Оила ва жамият менинг ҳаётимда 15 йил

2006 йил. Ёзги каникул...

Ошхонада супур-сидир, қозон-товоқларни ювиш-тозалаш каби бир ишни топдиму, уйга бирров бориб келиб, ишга киришдим. Хизматчилар яхши, ҳазилкаш кишилар. Энг ёши мен эканман.

Бизнинг ёнимизда ҳам қатор ошхоналар бўлиб, бирининг хўжайини ўта шаддод бир кампир эди. Бизнинг ишчилар эрталабданоқ ўйин-кулгу, аския билан иш бошлашса, қўшни кампир ошхонасида қарғиш, тўпалон, ур-сур билан иш бошланарди. Официанткалари доимо бизга ҳавас қилишарди. "Сизларга масза. Чарчамасдан, кулиб ишлайсизлар", деб... Айниқса, жума кунлари ошхонамиз тўлиб кетарди. Чунки маҳаллада масжид бўлиб, у ердан чиққан кишилар бизнинг мижозларимиз эди. Бундан рақибимиз - кампирнинг жазаваси тутар, мижозларни оғдириб олишга ҳаракат қилиб:

- У ошхонага кирманглар, қилган овқатлари эски, бир ҳафталик. Ҳамма томони кир-чир... каби сўзларни атай биз томонга эшиттириб айтарди.

Бу гаплар бизга у қадар таъсир қилмасди, чунки ўзи билан бирга ишлайдиган ошпаз ўғли онасининг характерини олдиндан тушунтириб берганди. Ошпаз амакиларда сигарет, гугурт, қуруқ чой тугаса бошлиғимиз менга ҳазиллашиб: "Ўзбекнинг кичиги, сен бориб олиб келгин", - дерди. Мен дўкондан ёки бозорчадан айтган нарсаларини олиб келиш учун бир кунда 3-4 марта ўша кампир ошхонаси олдидан ўтардим. Хизматдан чарчамасдиму, фақат ўша кампирнинг менга эшиттириб: "Капалакдек учиб юради-я, югурдак!" - деган сўзларидан бўғзимга нимадир тиқилар, кўзларимда беихтиёр ёш ғилтилларди. Буни сезган ошхонамиздагилар: "Қўйсанг-чи, уни бугун кўрдингми, у бизнинг рақибимиз, гапирмасанг енгасан, унга худо бас келсин!" - дейишарди. Кампирнинг ошпаз ўғли амакилар олдига сигарет чекиш учун келиб, биздан, мендан кечирим сўраб кетарди.

- Уйда хотиним, болаларимга кун йўқ. Яқинда келин қилмоқчи эдим, "Куёвнинг қайнона бувиси ёмон экан", деб беришмади. Билмадим, онамни қандай инсофга келтираман?.. - дерди.

Ҳар куни тонгда ошхона ҳовлисини саранжом-сариштаслаб, ахлатни дарахт тагига ёки бурчакка тўплаб, кейин йиғиб олардим. Кампир эса ахлатни тўғри ариққа супурарди. Таажжубланганимни кўриб: "Нима, ёқмаёптими, оповси?" - деб қўярди. "Оила ва жамият" газетасининг навбатдаги сонини олсам, ундаги бир мақола худди ёнимдаги шаддод кампир ҳақида ёзилгандек туюлди. Турар жойим яқин бўлгани учун ишга ҳар куни ҳаммадан олдин - соат 5:00 да келаман. Эртаси куни эрталаб газетани ошхонасининг дарвозаси илгичи орасига яхшилаб жойлаб, ишимни давом эттиравердим. Кампир келди, дарвозани очмоқчи бўлиб, газетани кўрди. Ичкари кириб кетди. Қарасам, газета жойида йўқ, демак олибди...

Кампир чиқиб ҳовлига сув сепди, мен томонга яқин келганда "Ассалому алайкум", дедим. "Ҳе, саломинг билан... серсалом",- дея ғудранди. Хафа бўлмадим, чунки мен бунақа бепаровоз гапларга кўникиб бўлгандим. Кампир мен супириб турган ахлатларни итқитиб ташлади. Ошпаз амакига қарадим, бир кўзини қисиб қўйди. Жаҳлим чиқса ҳам бамайлихотир ишимни давом эттиравердим ва охирида хокандозни олиб, итқитилган ахлатларни йиғиштириб олдим. Кампирнинг юзига кулиб қарадиму ишга шўнғидим.

- Нима бало юзимда ой бормикан, кулади, - дея тўнғиллади кампир.

Юқоридаги ҳолат устма-уст 4 кун давомэтди. Кимдир: "Кампирни босиб ур", деса, кимдир: "Кўй, унга худо бас келсин", деди. Мен эса биргина нарсани ўйлардим: уйда менинг ҳам бувиларим бор. Улар билан таққослардим. Осмон билан ерча фарқ бор. Нега?

Бу воқеа 5-кун ҳам такрорланди. Асабларим дош беролмади. Ўзининг супурган ахлатини қайтариб ташламоқчи бўлиб, супургини олиб бораётсам, орқа тарафида ошпаз ўғли бармоғини лабига босиб, "тсс, индама, гапирма», ишорасини қилди.

- Ўзи бу ерда соқовлар, гунглар ишлайди, - деди кампир орқамдан.

Пичоқ суякка бориб тақалди-ю, аммо... Орада яна пайшанба келди. «Оила ва жамият»нинг янги сонини сотиб олиб, кампирнинг ошхонаси дарвозасига яна қистирдим. Шу куни ариқда сув бўлмади. Анча юқоридан сув олиб келиб сепиб, ҳовлини орасталадим. Кампир келди. Ўзича минғирлаб нималардир деди. Ариқда сув йўқлигини кўрди ва унинг ҳовлисига ҳам сув сепишни буюрди. "Ассалому алайкум! Хўп бўлади", дея икки челак сувни шалаббо қилиб сепиб бердим. Кампир супура бошлади. Эртасига кампирнинг ўғли ошпаз амакининг олдига сигарет чекиш баҳонасида келиб: "Қизим, сенга раҳмат, кеча кечга яқин онам сен ҳақингда гапириб қолди. Уришсам ҳам ҳар куни салом беради", деди. Айтишича, ҳар пайшанбада дарвозада газета пайдо бўлаётган эмиш. Ҳойнаҳой-шу газетани сен қўймаяпсанми?" - деди. "Йўғ-э", - дея олдим, холос. Бу пайшанба яна газета илдим дарвозага. Воажаб. Шаддод кампир сал бўлса-да, ўзгара бошлагани шундоқ сезилиб турарди. Ошпаз ўғли бу гапларни айтди. Ҳатто оиласида ҳам ўзгариш рўй берибди. Газетада бундоқ деб ёзилибди, ундоқ деб ёзилибди, деб кечқурун оила даврасида ундаги мақолаларни таҳлил қиладиган бўлишибди. Негадир келаётган ҳафтада газета олмадим... Фақат сездирмасдан кампирни кузатдим. У стулга ўтирганча хаёлга чўмганди, гўё бировни кутаётгандек кўчага қараб-қараб қўярди. Ошпаз ўғли бизникига келганда аста:

- Амаки, онангиз касалми, бугун баланд гапирмадилар? - дедим.

- Йўқ, бугун онамга газета келмабди, - деди, сўнг қўшиб қўйди. - Тўғрисини айтгин, газетани сен қўяётганмидинг?.

- Йўқ, мен ҳеч нарса қилмадим. Фақат онангизни синадим. Менга онангизнинг биргина сурати ва туғилган куни ҳақидаги маълумотни берсангиз, у кишининг феълатворини ўзгартириб юборишим мумкин, - дедим.

- Йўғ-ей, қандай қилиб?

Кампирнинг мен кутган туғилган куни шу ойда экан. Бир ҳафта олдин таҳририятга бориб, сурат ва табрикни чоп эттириш учун бериб келдим. Мен кутган кун ҳам келди. Матбуот дўконидан "Оила ва жамият" газетасини олиб, кампир ошхонасига кириб бордим. Самоварчи-ю, официанткалари билан эрталабки чойни ичишаётган экан.

- Ассалому алайкум, бувижон! Бу газета сизга, туғилган кунингиз билан табриклайман! - дедимуи изимга қайтиб келиб ишимни давом эттирдим. Зум ўтмай қўшни ошхонадан: "Ура", деган овозлар эшитилди. Кампир газета билан олдимга келди ва пешонамдан ўпиб: "Ўзим ўргилай сендан, ота-онангга раҳмат", - деди.

Ишхонадагилар ҳайрон...

- Мана, менинг расмим газетага чиқибди. Ҳали дугоналаримнинг «гапи»га олиб бораман бу газетани, - дерди кампир...

Бошлиғимиз гап нимадалигини билиб: "Беш ташла, биз енгдик!" - деди кулиб. Мен ўзимда йўқ хурсанд эдим, чиновтажрибам мени адаштирмади. Тўғри, бу кунларга етиб келиш мен учун осон кечмади. Гоҳо кампирнинг дастидан бурчак-бурчакда йиғлаган кунларим, гоҳо ишдан кетаман, деб ариза ёзган вақтларим бўлди. Фақат сабр, бардош ва албатта "Оила ва жамият" газетаси мени суяб турди, мадад берди бу қийин вазиятларда. Таътил тугаб, ўқиш ҳам бошланди. Дугонам билан шу ошхонада овқатланган келдик. Қўшни кампир ҳам шу ерда экан: "Вой, бўрини йўқласанг, қулоғи кўринаркан. Ҳозир сени гапириб тургандик. Юр, менинг ошхонамдан тановвул қилиб кетгин, сенга бепул!" - деди. "Йўқ, шу ер бўлади", - дедим. "Бирров мен билан юр, бир нарса кўрсатаман", - деди. Ҳайрон бўлиб ортидан эргашдим. Мўъжазгина хона. Шкафдан бир талай газеталарни олиб стол устига қўйди. Бу "Оила ва жамият" газеталари эди!

- Мен буларни ҳеч нарсага алишмайман. Бунинг учун сенга раҳмат! - деди у...

ҚАЙСАР КАМПИРНИНГ КУЮЛИШИ



Зебинисо ГАФФОРОВА

ИШЛАСАМ, ЎЗ ПУЛИМ БЎЛСА...

- Сизларга қўнғироқ қилиб, дардимни айтгим келди. Чунки бошқа ҳеч кимга айтолмайман, - дея йиғи аралаш гап бошлади аёл.

- Хўп, ўзингизни таништиринг-чи.

- Йўқ, таништиролмайман. Шундоғам омонат турган оиламни бузилишидан қўрқаман. Агар эрим сизларга қўнғироқ қилганимни билса, ёмон бўлади.

- Майли, унда дардингизни айтинг, нега йиғлаяпсиз?

- 16 ёшимда турмушга беришди. Мактабда жуда аълочи эдим. Ўқишга кириш, яхши жойларда ишлашни орзу қилардим. Аммо ота-онам келган совчиларнинг ўзимиз ўқитамиз, деган гапига ишониб, мени узатишди. Тақдиримга кўниб яшай бошладим. Биринчи фарзандимиз туғилди. У билан оиламизга дард ҳам кириб келди. Чунки болам касалванд эди. Дўхтирлар: "Умуртқасидан сув олсак, тузалади", - дейишди. Кўплар бунга рози бўлманглар дегани учун қайнонам ва мен кўнмадик. Аммо эрим дўхтирларнинг айтганини қилди. Умуртқадан сув олингач, юрадиган бола тўшакка михланиб қолди. Биз яна югурдик-елдик. Узоқ даволатишлардан кейин ҳар тугул ҳаракати пайдо бўлди. Аммо ақлий ҳолати жойида эмас. Шунинг учун ҳам уни интернатга топширганмиз. Ундан кейин иккита фарзандимиз бўлди. Улар соппа-соғ. Шу пайтгача уй ишлари, бола тарбияси билан умрим ўтаётган аёлман. Чунки хўжайиним ишлатмаган. Қолаверса, бирортта хужжатим ҳам йўқ.

- Эрингиз нима иш қилади? Рўзғорни эплайдими, ахир?

- Эпларди. Шу пайтгача ҳеч нарсага зориқмаган эдик. У-бу тирикчилик қиларди. Лекин ҳозир умуман қийналиб қолдик. Уч боланинг ейиши, кийиши ўзи бўладими?!

Қўнғироқларингиз...

- Нега, ҳозир хўжайинингиз топмай қолдими?

- Мен ҳам бошида шундай ўйлагандим. Чунки арендага машина олиб кира қиларди. Аренда пулини тўлаши керак, ундан ортганини рўзғорга олиб келади. Ҳозир такси кўпайиб кетган бўлса, деб уларга ачинардим ҳам... Кейинги пайтда болаларни уришиб, бақириши, бирор оғиз яхши гап оғзидан чиқмаётганини ҳам "эркак киши пули йўқлигидан асабий бўлиб қолади-да", деб ўйлардим. Лекин ўша кундан бошлаб ўзимнинг нақадар ишонувчан, соддалигимни англаб қолдим. Оиламизга ҳаром аралашган экан.

- Яъни эрингиз сизга хиёнат қилганини эшитгансиз. Шундайми?

- Ҳа, у турмушга чиқмаган қиз билан кўнгилхушлик қилар экан.

- Балки бу ёлғондир. Ҳар хил гапларга ишониб оилангизга совуқчилик солаётган бўлманг тағин.

- Қани эди, шунчаки гап бўлса... Афсуски, ўша қизнинг қўл телефонини эримнинг машинасидан топиб олдим. Кейин унга телефон қилдим. У қиз ҳали турмушга чиқмаган бўлса-да, эрим билан муносабати жиддийлигини айтди. Мен унга: "Ахир унинг оиласи, 3 та боласи бор-ку, синглим!" десам,: "Оиламдан ажрашганман. У менга ёқмайди", деб айтган", - деди.

Бу гапни эшитдиму нима дейишни ҳам билмай қолдим. Кейин у қизни учрашиб гаплашишга чақирдим. У келмади-ю, аммо мен билан гаплашганини эримга айтибди. Хўжайиним ўша куни уйга келиб, тўпалон қилди. "Аввал ажрашмаган бўлсам, энди ажрашаман", деди. "У ўқиган, бой қиз, сен ўқимагансан", деб ҳақорат қилди.

- Бу ҳақда қайнонангизга айтмадингизми?

- Мана тўрт ой бўлди, оламдан ўтганига. Қайнонам охирги вақтда оғирлашиб қолгани учун улар билан овора бўлдим. Тунда қийналмасин, деб уч ой улар билан ётдим. Шунда эрим: "Ҳали кўрасан, бошқасини топиб оламан", деганди. Мен ҳазиллашаяпти, деб ўйлабман. Мана бу гаплар чиққандан кейин: "Мен сенга айтгандим-ку, шу қилганинг учун кўрсатаман", - дейди.

- Эрингиз энди ажрашмоқчими?

- Йўқ. Шошмагин, мен у билан секин муносабатни узаман, деди. Лекин менинг кўнглим чил-чил синди-да. Учта бола билан ота уйимга ҳам кетолмасам. Улар ўзи бир аҳволда. Бирор ерда ишлаганимда ҳам бошқа эди. Анув ногирон боламни ҳар шанба куни уйга олиб келиб, яхши едиргим келади. Эрим эса пул бермай қўйди. У қизга ҳам ҳайронман, учта болали эркакни нима қилади? Ёш, чиройли, ўқимишли, ўзига етарли бўлса. Учта болали одамнинг доим муаммоси бўлади. Шу болаларнинг кўз ёшини оқизиб бахтли бўлармикан?

- Йиғламанг, сиқилгандан фойда йўқ. Балки шайтон йўлдан урган эрингиз ва у қиз инсофга келиб қолишар.

- Менга алам қилгани сен ўқимагансан, деб камситиши бўлди. Ўша қиз ҳам шу гапни айтди. "Мен олий маълумотли, яхши касб эгасиман. Жуда кўп жойга қўлим етади", деди. Ахир шу эрим уйланаётганида ўқитаман, деб ваъдалар бериб мени алдаган-ку! Кейин болаларим, эрим, оиламни деб ўқиёлмадим. Бир нарсага ҳайронман-ўқиган, тушунган қиз бировнинг рўзғорини бузиши жиноят эканлигига нақотки ақли етмайди? Қўнғироқ қилишимдан мақсадим, биринчидан қизларга: "Ёш эрга тегманг, ўқиб, бирор касб ёки ҳунарни эгаллаб, кейин оила қуринг", демоқчиман. Шунда қадрингни йўқотмас экансан. Уйда ўтириб ҳам бажарса бўладиган иш топсам дейман. Қўлимда ўз пулим бўлса яхши-да. Шу борада саховатпеша инсонларнинг кўмагига муҳтожман.

- Яхши ўйлабсиз. Ниятингиз амалга ошиб қолса, ажаб эмас.

Матлуба ШУКУРОВА

ЙИГИТ ҲАМ ЙИҒЛАЙДИ...

- Исмим Нуриддин. Асли Бекободданман, - деди таҳририятимизга келган ҳарбий кийимдаги йигит. - Ҳозир оилам билан Тошкент шаҳрида яшайман. Очиғини айтсам, йигит кишининг бундай гап билан таҳририятга келиши ғалати бўлса керак. Лекин, дардлашадиган на опам, на бир яқин дўстим бор... Балки улар билан ҳам бу ҳақда гаплашмасмидим?

- Демак, бизга ишониб келибсиз. Бунинг учун раҳмат! Нима бўлганди ўзи?

Йигит кутилмаганда бошини икки қўли билан чангаллаб йиғлаб юборди.

- Йиғламанг ука, бу йигит кишига ярашмайди-ку! - дедим кутилмаган бу ҳолатдан шошиб қолиб.

- Кечирасиз, - деди у кўзларини артиб. - Хиёнат тинчгина ҳаётимни барбод қилди. Олдин оёққа туриб олай, деб кеч уйлангандим.

- Фарзандларингиз борми?

- Ҳа, икки қиз, бир ўғлим ҳаётимнинг қувончлари эди. Лекин энди улар онаси билан қолишган.

- Ажрашдингизми?

- Ҳозирча алоҳида яшаяпмиз. Лекин яқин орада ажрашишимиз аниқ. Мол-мулк даъво қилмоқчи эмасдим, лекин...Хотинимнинг номига Юнусобод туманидан уч хонали уй олиб таъмирлаётгандик. Яқинда кўчиб ҳам бормоқчи эдик. Лекин энди... Уй бўлинади. Ажрашиб икки томонга кетамиз.

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

- Хотинингизнинг бундай қилишига бирор сабаб бўлмаганмикан ёки оилангизда жанжал бўлиб турармиди?

- Мен ҳарбий хизматчиман. Уйдан эрта кетиб, кеч қайтардим. Оилам ва болаларимни соғиниб қолардим.

- Хиёнат ҳақида сизга ким айтди ёки ўзингиз шубҳаландингизми?

- Бир аёл айтди. Унинг эри хотиним билан учрашиб юраркан. Мен аввалига бунга ишонмадим. Лекин у аёл исботлаб беришини таъкидлайвергач, исбот талаб қилдим. Аёлнинг гапи билан мен, "Иш билан кетаяпман" деб хотиним билан хайрлашиб чиқиб кетдим. Кейин аёл билан соат 9 ларда уйимга келдик. Эшикни тақиллатдик. Овоз бўлмади. Мен ўз калитим билан эшикни очдим. Уйга кириб чироқни ёқишим билан ичкаридан ранги ўчган хотиним югуриб чиқди. Орқасидан эса... Ич кийимдаги эркак кўринди. Бу аёлнинг эри экан. Аёл эрини юмдалаб, иккиси уриша кетишди.

- Сиз-чи?

- Менми? Ўша жанжал бошланганини эслайман, холос. Кўзимни очсам диванда чўзилиб ётибман. Азбаройи қаттиқ изтиробга тушганимдан юрагим ёмон бўлганидан хушимни йўқотган эканман. "Тез ёрдам!" келиб, шифокорлар укол қилишгач ўзимга келдим.

- Хотинингиз нега хиёнат қилган экан, сабабини айтдими?

- Айтмаса ҳам яхши бўларди. Барибир билишим керак бўлгани учун сўрадим. Ўша эркак аёлимга бир неча марта янги урф бўлган кўйлаклардан олиб бербибди. Ҳар ҳафтада йигирма минг сўмдан бериб тураркан...

- Сиз-чи, унга пул бермасмидингиз?

- Эҳ, бор кучимни, топган пулларимни янги уйимизни таъмирлатишга сарф қилаётгандим. Аёлим буларнинг ҳаммасини оилам, болаларим учун қилардим-ку! Рўзғорни жуда таранглаштириб ҳам қўймаган бўлсам...

- Яқинларингиз нима дейишаяпти?

- Улар ҳам менинг бу ҳолга тушиб қолганимдан сиқилишаяпти. Айниқса ота-онам куйди. Улар болаларимни жуда яхши кўришарди. Хотинимнинг яқинлари эса унинг бу ишга негадир бепарво қарашаяпти. "Шунга шунчаликми? Ажрашадиган бўлсанглар уч хонали уйни эрингга бермайсан. Қаерда яшаса- яшайверсин!" - деганмиш кеннойиси.

- Хотинингиз билан орани очди қилиб, батафсил гаплашиб олишингиз керак эди назаримда...

- Тўғри, бир неча марта шундай қилишга уриндим. Бироқ, уйга киритмади. Яқинда кўчада кўриб қолдим. Яхши кийиниб, бўяниб олиб ҳеч нарса бўлмагандек дугоналари билан кулшиб олдимдан ўтиб кетишди. Ишга ҳам кириб олганмиш... Оиласининг барбод бўлишидан изтиробга тушмаганлиги кўриниб турибди. Шунча йиллик оиламнинг бузилишидан мен қийналаяпман. У эса... Бироқ ярашишнинг ҳам сира иложи йўқ. Энди нима қилсам, қандай йўл тутсам экан?

Ҳарбий либослари ўзига жуда ярашган, лекин кўзларида аччиқ истироб кўриниб турган бу йигитга ачиндим. Лекин маслаҳат беришга келганда анча ўйланиб қолдим. Кексалар, "Чумчуқнинг ҳам уйи бузилмасин" деганларида қанчалик ҳақ бўлишган. Турмушлари бузилганларга жуда қийин. Хиёнатдан бошқа айбни кечирса бўлар, лекин хиёнатни...

Азиз мухлислар! Нуриддинга сизлар нима деган, қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

ГУЛБАШАКАР

Саҳифа Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида «Оналик ва болалик муаммолари, хотин-қизларнинг давлат ва мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиладаги ўзаро муносабатлар" лойиҳаси бўйича тайёрланди.

АЗОБНИ ИККАЛАНГИЗ ТОРТИНГ-У...

Ҳурматли Бахтиёр ака! Мен сизнинг бу хатингизни ўқиб, ҳам ҳайратга тушдим, ҳам афсуснадомат чекдим. Бошингизга тушган оилавий можаро чиндан ҳам ҳазилакам эмас. Уни кулфат деса ҳам бўлади. Сизнинг воқеангиз бир неча оила аъзоларининг бошига тушган ёки кейинроқ бориб тушадиган қулоқ эшитмаган иснод. Гап ахир бутун бошли оила, хонадон аҳли устида кетаяпти. Ўртада фарзандлар, келин-куёвлар, қуда-андалар ва қариндош-уруғларнинг обрў-эътибори, ор-номуси, ҳамияти бор. Воқеани хотинингизга айтишдан олдин шуларни обдон ўйлаб, иш қилиш керак эди. Хўп, сизга у касофат одам "ўша аёл" билан донлашганлигини айтибди. Сиз "ўша аёл"нинг эри эканлигингизни у билмабди. Шу онда сукут сақлаб кетсангиз бўлмасмиди? Ичингизга олиб юраверсангиз тузук эмасмиди? Шунда сиз бир ўзингиз ўз ёнингизга ўзингиз қовурилиб юрар эдингиз-у, бошқалар азият чекиб юрмас эди. Ёшингиз 60 дан ошган бўлса, бу ёғидаги турмушингиз биров билиб, биров билмай имижимида ўтса, осмон узилиб тушармиди?! Йўқ, сиз бу иснодга чидай олмагансиз. Рашкингиз сизни кўр ва кар қилиб қўйган. У ёшни ҳам, кексани ҳам, аёлни ҳам, эркакни ҳам бирдай ўз домига тортиб, ақл-хушидан мосуво қилади. Эрлик иззат-нафсингиз устун келган-у, кела солиб хотинингизни сўроққа тутгансиз, терговни бошлаб юборгансиз. Хўп, сиз-ку хатога йўл қўйдингиз. Бошингиз қотиб, қалбингиз санчиб, карахт аҳволга тушиб қолдингиз. Аёлингиз нима худо уриб, қилган бевафолигини бўйнига олиб қўйди экан. Тониб тураверса маъқул бўлмасмиди?.. Ахир бу йўл сиз учун ҳам, ўзи учун ҳам бироз бўлсада, енгиллик туғдирар эди-ку. Эҳтимол, у касофат эркак айрим эси паст мақтанчоқ эркаклар сингари анча-мунчани қўшиб-тўқиб айтгандир, деган хаёл устун келармиди ва сиз ҳам, аёлингиз ҳам шу ишонч ила юпанган бўлармидингиз? Оқибат-натижада, воқеа бунчалик кескинлашиб, тагига олиб кетмасмиди? Ҳозиргидай юрагингизни алам тишлаб олмасмиди? Энди нима бўлди? Энди воқеа, яъни сиз - эр билан хотинингиз ўртасидаги муносабат тўғрилаб бўлмас кўчага кириб қолди.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Бундан қирқ йилча муқаддам бўлиб ўтган садоқатсизликни ҳозир тўғрилаб бўладими? Йўқ, албатта. Хўш, тўғрилаб бўлмас экан, уни хотинингизга ошкор қилишга ҳожат бормиди? Ё, аёлингизни жазоламоқчимисиз? Нима деб, қанақа қилиб? Кексайиб қолган момо бўлсалар... Вафосизликдан кейин ҳам сал кам қирқ йил сиз билан бир ёстиқда бўлиб, бирга яшаб, яхшиёмон, бахтли-бахтсиз кунларни бирга ўтказган бўлсалар... Бунинг устига умр охирлашиб қолган бўлса...

11.55 "Дил таронаси".
12.00 "Қорақалпоқнома".
12.20 "Бир асар тарихи".
12.40 ТВ анонс.
12.45 "Сарой жавоҳири". Телесериал.
13.50 "Зилол". Фольклор қўшиқлар.
13.55 "Дунё иқлими".
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 Жаҳон мусиқаси хазинасидан. П. Чайковский. "Қарға моткаси". 2-қисм.
16.45 "Меҳр кўзда". Хатларга шарҳ.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Юртим шукуҳи". Бадиий-мусиқий дастур.
18.55 "Муқаддас қадамжолар".
19.15 "Сизнинг адвокатингиз".
19.20 "Дунё иқлими".
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Оила ришталари". Телесериал.
20.50 "Дунё иқлими".
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 "Юртим шукуҳи". Бадиий-мусиқий дастур.
23.20 "Қор қўйнида лола". Бадиий фильм.
00.30-00.35 Тунги наволар.

"ЁШЛАР" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 **"Муҳаббат дардлари".** Сериал.
8.40 "Обид-шоу" архивидан.
9.20 Мухлис-шоу.
10.00 Давр.
10.15 **"Ёлғон асираси".** Сериал.
11.45 Хазина.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Сув остига саёҳат.
14.00 **"Шимол тафти".** Сериал.
14.30 "Ошуфта". Эркин Худойқулов.
15.00 **"Муҳаббат қаҳваси".** Сериал.
15.50 Омон бўлинг!
16.00 Давр.
16.15 **"Севги фаришталари".** Сериал.
17.00 Даврнинг боласи.
17.10 Полапон.
17.25 Биз табиатни севамиз!
17.40 У ким? Бу нима?
18.00 **"Бобур".** Телесериал.
18.35 Дилрабо.
18.45 Сифат белгиси.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 Наво-SMS.
19.40". **Шимол тафти".** Сериал.
20.10 Спорт-лото.
20.15 "Моя мечта". Дунё таомлари.
20.45 Наво-SMS.
21.00 Омон бўлинг!
21.10 **"МУҲАББАТ ДАРДЛАРИ".** Сериал.
22.00 ДАВР.
22.35 Миллий кино: **"Юзсиз".**
23.50 – 23.55 Орзу бекати.

"ТОШКЕНТ" ТЕЛЕКАНАЛИ

7.30 "Салом, Тошкент!"
8.35 "Гвадалупе".
9.15 "Телекурьер-маркет".
9.30 "Санъат гулшани".
10.15 "Интервью" /рус/.
10.25 Ҳайвонот дунёси "Файриоддий жонзодлар". 2 - қисм /рус/.
10.50 "Иқтисод - ревью"
11.05 "Эрудит" /рус/.
11.20 - 12.40 Кино: "Нофелет каерда".
ХХХ.
18.00 "Афиша". /рус/.
18.10 "Телекурьер-маркет".
18.30 "Пойтахт"
18.50 "Гвадалупе".
19.50 **"Саломат бўлинг".**
20.00 **"Пойтахт".**
20.20 "Эрудит" (рус)
20.35 "Авто диллер". Хужжатли фильм. /рус/.
21.00 "Репортаж" /рус/.
21.10 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт"
21.50 "Телекурьер-маркет".
22.10 "Маърифат фидойилари" /рус/.
22.30 "Пойтахт".
22.50 Кино: "Мексикалик" /рус/.

7.00 "Бардам бўлинг".
8.00 "Хабарлар" (рус. тилида)
8.20 "Болалар спорти".
8.35 "Ҳайвонот олами".
9.00 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
9.20 "Снукер".
10.00 Детективлар.
10.30 "Ринг".
11.00-11.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Машъал"- "Нефтчи".
***
18.00 "Болалар спорти".
18.15 Мультсериал.
18.30 "Хабарлар" (рус тилида)
18.50 М Галкин билан учрашув.
20.00 "Вести".
20.20 "Муъжизалар майдони".
21.15 "Спорт-менинг ҳаётим".
21.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
21.50 Кулгули кино: "Қайсарнинг қуйилиши".
23.20 Еврофутбол.

TV-MARKAZ

07.00 Марказ NEWS (узб.)
07.10 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус.)
08.10 Мировые хиты
09.00 Сериал «БИР КАМ ДУНЁ» 12-серия
09.50 Узбек наволари
11.00 Худ. фильм «ХАЙР, ?ЁР ЁШЛИГИМ»
12.40 Мировые хиты
13.30 Узбек наволари
14.00 «ТОП-20»
14.45 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Сериал «БИР КАМ ДУНЁ» 9-10 серии
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.10 «Кулги маркази»
18.25 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.10 «Миссия неповторима»
19.35 Мировые хиты
20.00 «Очил дастурхон»
20.30 Мировые хиты
21.00 Узбек наволари
22.00 Худ. фильм «УГНАТЬ ЗА 60 СЕКУНД»
00.15 «Премьера» (рус.)

4.00 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Малахов +»
9.00 «Сестры по крови».
9.55 «Любовь с летальным исходом»
11.00 Новости
11.30 «Без комплексов»
12.25 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Контрольная закупка»
14.00 Новости.
14.15 Вне закона. «Диплом оборотня»
14.50 «Любовь как любовь».
15.55 «Федеральный судья»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.20 «Пусть говорят» .
18.00 «Поле чудес»
18.55 «Сестры по крови».
20.00 Время
20.25 «КВН-2006»
22.35 «Что? Где? Когда?»
23.50 Премьера. Мистический триллер «Ужас Амитивилля» (2005 год)
1.25 Вупи Голдберг в комедии «На том свете»
2.00 Время
2.25 Комедия «На том свете». Продолжение
3.25 «Звезды эфира». Александр Иванов
3.50 Теория невероятности. «Телепатия»

4.00 «Доброе утро!».
7.45 «Мой серебряный шар. Валерий Приемыхов». Ведущий - Виталий Вульф.
8.45 «Мусульмане».
9.00 «Опера. Хроники убойного отдела». «Ключ к разгадке».
10.00 ВЕСТИ.
10.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10.50 «Опера. Хроники убойного отдела». «Чужая».
11.50 «Ха». Маленькие комедии.
12.00 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
12.30 «Вся Россия».
12.45 ВЕСТИ.
13.00 ВЕСТИ.
13.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13.40 «Суд идет».
15.00 «Кулагин и партнеры».
15.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
16.00 ВЕСТИ.
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16.40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17.40 «Волчица». Телесериал.
18.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
19.00 ВЕСТИ.
19.45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
20.05 «Спокойной ночи, малыши!».
20.15 ПРЕМЬЕРА. «Юрмала-2006». Международный фестиваль юмористических программ.
22.10 Вахтанг Кикабидзе, Фрунзик Мкртчян, Елена Проклова, Евгений Леонов, Савелий Крамаров, Владимир Басов, Арчил Гомиашвили, Марина Дюжева, Леонид Куравлев и Борислав Брондуков в фильме Георгия Данелия «Мимино». 1977г.
0.05 Жан-Клод Ван Дамм в боевике «Двойник»
2.10 «Дорожный патруль».
2.20 «Горячая десятка».
3.20 ПРЕМИЯ «ЭММИ». Остросюжетный телесериал по роману Стивена Кинга «Оно»
4.05 Канал «Евроньюс» на русском языке.

ШАНБА 28

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.45 "Мирзо Улуғбек". Телеспектакль. 6-қисм.
"Болалар сайёраси".
9.55 "Олтин тож". Телеўйин.
10.30 "Шифокор қабулида".
10.55 1."Чинсен". 2."Маврид".
11.35 "Оналар мактаби".
11.55 "Оила ришталари". Телесериал.
12.30 ТВ анонс.
12.35 "КиноТеатр".
12.55 "Заковат".
13.55 "Дунё иқлими".
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "Ўзбегим ўғлонлари".
"Болалар сайёраси":
16.25 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.20 "Шахсий фикр".
17.55 ТВ анонс.
18.00 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. "Саломатлик сирлари".
18.20 "Маъмун академияси". Видеофильм.
18.50 "Одами эрсанг. "
19.10 "Оҳанглар оғушида".
19.15 "Суперлото". Телелотерея.
19.20 "Дунё иқлими".
19.25, 19.55, 20.55 , 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Оила ришталари". Телесериал.
20.50 "Дунё иқлими".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Янги оҳанглар". Равшан Тўхтаев.
22.00 "CINEMA.UZ".
22.20 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
22.35 "Ўткинчи дунё". Бадиий фильм. 1-қисм (Ҳиндистон)

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастур очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 **"Муҳаббат дардлари".** Сериал.
8.40 "Обид-шоу" архивидан.
9.20 Истиқбол тимсоллари.
9.30 Бола тилидан.
10.00 Давр.
10.15 **"Ёлғон асираси".** Сериал.
11.45 Матонат.
12.00 ЯНГИ КУН.
13.00 Давр.
13.15 Ватаним!
13.20 "Ортиқ"ча клиникаси.
13.50 Нафосат олами.
14.00 **"Шимол тафти".** Сериал.
14.30 ВАТАНПАРВАР.
15.30 **"Севги фариштаси".** Фильм ҳақида фильм.
16.00 Давр.
16.15 "Мафтунингман, диёрим!"
17.50 Каталог.
18.00 **"Бобур".** Телесериал.
18.45 Дилрабо.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 Эълонлар.
19.35 Наво-SMS.
19.55 Юлдуз билан.
20.25 "Ошуфта". Ирода Искандарова.
20.55 "Ханда" меҳмони.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 ДАВР.
22.35 Миллий кино: **"Жоним сени ... ёхуд эгизаклар".**
00.20 – 00.25 Орзу бекати.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 **"Салом, Тошкент!".**
8.35 "Гвадалупе". Телесериал.
9.15 "Телекурьер-маркет".
9.30 Дилқаш наволар": Гули Асалхўжаева.
10.00 "Саломат бўлинг".
10.10 Мусиқа SMS.
10.30 "Маърифат фидоийлари" / рус/.
10.50 "Репортаж" /рус/.
11.00 "Авто диллер". Ҳужжатли фильм. /рус/.
11.25 "Афиша" /рус/.
11.35 "Анонс".
11.40 "Эрудит" /рус/.
11.55 Кино. "Мексикалик" /рус/.
13.50 Анонс.
13.55 "ММ-шоу".
14.35 - 15.45 Кино: "Суюнчи".
X X X.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Афиша".
18.10 "Телекурьер-маркет".
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
18.45 "Гвадалупе". Телесериал.
19.25 Мусиқа SMS.
19.45 "ИИВ хабарлари".
20.00 **"Пойтахт" ахборот дастури (рус)**
20.15 "Анонс".
20.20 "Эрудит" (рус)
20.35 "Камин олдида суҳбат"/рус/
21.05 "Интервью".
21.15 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт"
21.50 "Телекурьер-маркет".
22.10 "Истеъдод".
22.30 "Пойтахт" ахборот дастури (рус)
22.50 Кино. "Зорро ниқоби" /рус/

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бардам бўлинг".
8.50 "Хабарлар" (рус тилида)
9.10 "Смак".
9.30 "Фазенда".
10.05 "Соглом оила".
10.35 Мультфильм.
10.45 "Военное дело".
11.10 "Шерлок Холмс ҳақида хотиралар". Бадиий фильм.
14.55-15.35 "Кўнгил-кўнгилга пайванд". Ток-шоу.
***
18.00 "Болалар спорти".
18.20 Мультфильм.
18.30 "Хабарлар" (рус тилида)
18.55 "Халқ ўйинлари".
19.20 "Файзли ошхона".
20.00 "Вести".
20.20 "Иқтидор". Интеллектуал шоу дастури.
21.10 "Тақдир чизгилари".
21.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
21.50 "Мусиқий марафон".
22.30 "Катта пойга".
23.40 Еврофутбол.

TV-MARKAZ

07.00 Марказ NEWS (узб.)
07.15 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус.)
08.15 Узбек наволари
08.30 «Кулги маркази»
08.45 Узбек наволари
09.30 «Премьера» (узб.)
09.50 Узбек наволари
11.00 Х/ф «УГНАТЬ ЗА 60 СЕКУНД»
13.15 Мировые хиты
13.40 «Премьера» (узб.)
14.00 «Очил дастурхон»
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Сериал «БИР КАМ ДУНЁ» 11-12 серии
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.15 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.15 Концерт группы «СЕТОРА»
21.15 Мировые хиты
22.00 Худ. фильм «НАПЕРЕГОНКИ СО ВРЕМЕНЕМ».

5.00 Новости
5.10 Гении и злодеи. «Доктор Боткин»
5.35 Приключенческий фильм «Точка отсчета»
7.20 «Играй, гармонь любимая!»
8.00 «Слово пастыря»
8.15 «Здоровье»
9.00 Новости
9.10 «Смак»
9.30 «Фазенда»
10.05 «Доктор Курпатов»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 Василий Ливанов, Виталий Соломин, Рина Зеленая в фильме «Воспоминания о Шерлоке Холмсе»
14.55 Субботний «Ералаш»
15.30 «Новые песни о главном»
17.00 Вечерние новости(с субтитрами)
17.15 Спецрасследование. «Преступления иностранцев в России»
18.15 «Их разыскивает милиция»
18.50 «Большие гонки»
20.00 Время
20.20 «Звезды на льду»
22.25 «Высшая лига»
23.45 Премьера. Жан-Клод Ван Дамм в приключенческом фильме «Вслед за смертью» (2004 год)
1.20 Гаэль Гарсиа Берналь в триллере Педро Альмодовара «Дурное воспитание»
3.10 Эдриан Пол в мистическом триллере «Отродье»
3.30 Русская классика в кино. М.Горький "Егор Булычов и другие"

5.00 «Доброе утро, Россия!».
7.00 ВЕСТИ.
7.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
7.20 «Военная программа» Александра Сладкова.
7.45 «Утренняя почта».
8.20 «Субботник».
9.00 «Вокруг света».
10.00 ВЕСТИ.
10.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10.20 «Сто к одному». Телеигра.
11.15 «Комната смеха».
12.15 «Клуб сенаторов».
13.00 ВЕСТИ.
13.20 РОДНОЕ КИНО. Петр Вельяминов, Лев Прыгунов, Тамара Семина и Алексей Ванин в фильме «Опасные друзья». 1980г.
15.00 «Национальный интерес». Ток-шоу Дмитрия Киселева.
15.55 «Формула власти». Стивен Харпер - премьер-министр Канады.
16.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
17.00 ПРЕМЬЕРА. «Место встречи» с Лионом Измайловым.
18.00 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
18.30 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
19.00 ВЕСТИ.
19.20 «Субботний вечер».
21.15 Сергей Бодров-мл., Ингеборга Дапкунайте и Алексей Чадов в фильме Алексея Балабанова «Война». 2002г.
23.50 Фильм о фильме «Меченосец».
0.10 Триллер «Бугимэн: царство ночных кошмаров».
2.05 НОЧНОЙ СЕАНС. Сергей Маковецкий, Алексей Серебряков и Лариса Гузеева в фильме «Патриотическая комедия». 1992г.
3.10 Канал «Евроньюс» на русском языке.

ЯКШАНБА 29

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
"Болалар сайёраси ":
8.50 "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
9.30 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. "Саломатлик сирлари".
9.50 "Меҳр кўзда".
10.35 "Оила ришталари". Телесериал.
11.10 "Янги оҳанглар". Озодбек Назарбеков.
11.40 "Ишдаги ишқ". Бадиий фильм. 1-қисм.
13.05 "Дил таронаси".
13.15 "Ишдаги ишқ". Бадиий фильм. 2-қисм.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "Оддий ҳақиқатлар". Ток-шоу.
16.10 Ватан ҳақида қўшиқлар.
"Болалар сайёраси":
16.15 "Олтин тож". Телеўйин.
16.50 ТВ анонс.
16.55 "Жиддий ўйин".
17.55 "Қалпоқ". Ҳажвий кўрсатув.
18.25 "Оҳанглар оғушида".
18.35 "Интеллектуал ринг".
19.20 "Дунё иқлими".
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "50x50". Ток-шоу.
20.50 "Дунё иқлими".
21.00 "Таҳлилнома".
21.50 "Кўҳна оҳанглар".
22.15 "Ўткинчи дунё". Бадиий фильм. 2-қисм (Ҳиндистон)

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастур очилиши.
6.00 Шарқ оҳанглари.
7.10 Бу шундай бўлган эди.
7.30 Оҳанрабо.
8.10 Телепортрет.
8.30 **"Ёлғон асираси".**
10.00 ВАТАНПАРВАР.
11.00 Journal.
11.20 Якшанба нонуштаси.
11.50 Дунё бўйлаб.
12.10 "Кўнгил куйлар". Равшан Комилов.
12.40 "Ханда" меҳмони.
13.00 "Моя мечта". Дунё таомлари.
13.30 Нафосат олами.
13.40 Рўзғор мактаби.
14.00 Миллий кино: **"Келгинди куёв".**
15.45 Қилни қирқ ёриб.
16.30 Ринг қироллари.
17.20 Чемпион сирлари.
17.40 Талабалар шаҳарчаси.
18.00 **"Бобур".** Телесериал.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр ҳафта ичида.
19.30 Эълонлар.
19.35 Наво-SMS.
19.50 Дийдор.
20.10 Кулгутерапия.
20.**30 " Орзулар майдони".**
21.00 Садолар сеҳри". Аваз Олимов
21.30 CINEMANIYA.
22.10 Миллий кино: **"Севги фазоси".**

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 **Салом, Тошкент!".**
8.35 "Гвадалупе". Телесериал.
9.15 "Телекурьер-маркет".
9.30 "И. И. В хабарлари".
9.50 "Интервью".
10.00 "Афиша".
10.10 "Истеъдод".
10.30 "Маугли". Мультфильм.
12.10 Кино: "Кичкина табиб".
14.00 "Камин олдида суҳбат" / рус/.
14.30 Кино: "Зорро ниқоби" /рус/
16.50 "Эрудит" /рус/.
17.05 "Телекурьер-маркет".
17.25 "Жозиба".
17.45 Кино: "Яратганга шукр".
19.30 "Санъат гулшани".
19.50 "Телекурьер - маркет".
20.10 "Дилқаш наволар": Азим Муллахонов.
20.35 "Мулоҳаза учун мавзу".
21.05 "Нима учун?"
21.40 "Эрудит". /рус/.
21.55 "Ўзбекистон – туризм мамлакати". /рус/.
22.25 Якшанба кинозали: "Шоколод" /рус/.

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бардам бўлинг".
8.50 "Хабарлар" (рус тилида)
9.20 "Йўлда ёзилмаган қайдлар".
9.35 "Ҳамма уйдалигида".
10.30 "Аралаш".
11.00 "Қувноқ стартлар".
11.40 "Файзли ошхона".
12.05 "Рақибингиз гроссмейстер".
12.25 "Проф-РИНГ".
13.15 "Табассум".
13.25". Дорихона эшитади".
14.10-15.10 Хунан цирки.
***
18.00 "Умид юлдузлари".
18.15 Мультфильм.
18.30 "Версия". Информацион-таҳлилий кўрсатув.
19.00 "Спорт уик-энд".
19.40 "Тайм-аут".
20.00 "Вести".
20.20 "Лицедейни ўлдириш". Бадиий фильм.
21.30 "Талқин".
22.00 "Тенгдош".
22.20 "Юлдузлар муз устида".
00.10 Еврофутбол.

TV-MARKAZ

07.00 Марказ NEWS (узб.)
07.15 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус.)
08.15 «Юлдузли пайшанба»
08.45 Узбек наволари
10.00 Сериал «БИР КАМ ДУНЁ» 9-12 серии
13.00 Узбек наволари
14.00 «Великолепная семёрка»
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Узбек наволари
16.30 «Премьера» (рус.)
16.50 Мировые хиты
17.00 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.15 «Кулги маркази»
18.35 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.15 Узбек наволари
20.00 «Спецрепортаж»
20.20 Ток-шоу «БИР КАМ ДУНЁ» сериалидан сўнг...»
21.00 «ТОП-20»
21.45 Узбек наволари
22.00 Кино-SMS:
1. Х/ф «ДОЛГАЯ ПОМОЛВКА»
2. Худ. фильм «НОКДАУН»
3. Х/ф «МАШИНА ВРЕМЕНИ»

5.00 Новости
5.10 «Звезды эфира». Николай Озеров
5.35 Леонид Куравлев, Татьяна Пельтцер в фильме «Не было печали»
6.50 «Знахари». Документальный фильм
7.35 «Армейский магазин»
8.10 «Умницы и умники»
9.00 Новости
9.20 «Непутевые заметки» с Дмитрием Крыловым
9.35 «Пока все дома»
10.30 Воскресный «Ералаш»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.10 «КВН-2006». Премьер-лига
12.50 Премьера. «Неуловимые». 40 лет спустя». Юбилейный вечер
15.00 Футбол. Чемпионат России. «Динамо» - «Локомотив». Прямой эфир. В перерыве - Новости (с субтитрами)
17.00 «Времена» с Владимиром Познером
18.00 Большая премьера. «Две звезды»
20.00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа
20.45 Премьера. Расселл Кроу в приключенческом фильме «Хозяин морей. На краю земли» (2003 год)
23.05 Премьера. «Секс-символы». Документальный сериал
0.00 Сериал «Мертвая зона»
0.50 Олег Борисов в фильме «Слуга»
3.15 «Здоровье»

4.50 Олег Басилашвили в детективе «Возвращение «Святого Луки». 1970г.
6.30 «Здоровье».
7.00 ВЕСТИ.
7.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
7.20 «Сельский час».
7.50 «Диалоги о животных».
8.20 Георгий Юматов в приключенческом фильме «Конец императора тайги». 1978г.
10.00 ВЕСТИ.
10.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10.20 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
10.50 «Сам себе режиссер».
11.45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
12.15 «Парламентский час».
13.00 ВЕСТИ.
13.20 «Фитиль № 106». Сатирический тележурнал.
14.05 Александр Баширов в фильме «Никогда не разговаривайте с неизвестными». 2006г.
15.40 «Форт Боярд».
17.20 ПРЕМЬЕРА. «Танцы со звездами». Новый сезон.
19.00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».
20.00 «Специальный корреспондент».
20.25 СДЕЛАНО В РОССИИ. Алена Хмельницкая, Алексей Макаров, Любовь Полищук, Ольга Аросева, Игорь Бочкин и Анна Михайловская в фильме «Самая красивая». 2005г.
22.50 Стивен Сигал в боевике «Мерцающий» (США). 1996г.
0.40 Брайан Дженнес и Бентли Митчум в остросюжетном фильме «Поезд смерти» (США). 2001г.
2.35 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. Телесериал «Взгляды»
3.10 Канал «Евроньюс»

- Саломатовларни кўрдингизми, оиласи билан бадантарбия билан шуғулланишаяпти.

Рассом— А. ҲАКИМОВ

- Кеп қолинг, товуқнинг дадасидан бор.

ШЕЪРИЯТ ДАФТАРИДАН,

Ушбу шеърлар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди тавсияси билан чоп этилмоқда.

Муҳаббат ҲАМРОЕВА - 1968 йилда Бухорода туғилган. ТошДУни тугатган. "Севинч ноласи", "Эрта сўнган юлдузлар" китоблари нашр этилган. Айни пайтда Ёшлар телерадиоканалида "Эрта сўнган юлдузлар", "Тақдир", "Илдиз ва япроқ" кўрсатувлари муаллифи.

МЕН ЖОНИНГИЗ ИЧИДАГИ ШИРИН ТИТРОҚ...

Ўзин осди дарахтлар кўкка,
Айланади изгирин ҳайрон.
Қорларингни бошлаб дилимга,
Нега келдинг охир, қаҳратон?

Ёлғон жилва, сохта ноз билан,
Юрагимни айладинг абгор.
Яшил сароб кўланкасида -
Мен сени ҳам кутмадим, баҳор.

Қуёш ишқин елкангга олдинг,
Қушларини еганда осмон.
Етар шунча ўртанганларим,
Сен ҳам мени ёқма, саратон.

* * *

Мен кутаман кўзим тўрт бўлиб,
Қақнусларнинг сирли сасини.
Келмоғидан дарак борми ҳеч,
Мен кутаётган кўнгил фаслини...

* * *

Мен жонингиз ичидаги ширин титроқ,
Забонингиз куйдиргувчи оташ сўроқ,
Саҳарларда кўз очгувчи маъсум япроқ,
Кўзингизни юмсангиз ҳам кетмагайман,
Дилингиздан қувсангиз ҳам кетмагайман.

Гулханиман Мажнун кезган саҳроларнинг,
Нафасиман райҳон ўпган ҳаволарнинг,
Тўлқинларин жилосиман дарёларнинг,
Кўзингизни юмсангиз ҳам кетмагайман,
Дилингиздан қувсангиз ҳам кетмагайман.

Хаёлингиз соғинчларим бирла мастму?
Дерларки ишқ азал ошиқ , дилнинг хасми?
Қалбингизни қон йиғлатган мен эмасму?
Кўзингизни юмсангиз ҳам кетмагайман,
Дилингиздан қувсангиз ҳам кетмагайман.

* * *

Йўқ, мен сени кутмаган эдим,
Туйғуларим учиргувчи муз.
Хазонларнинг кулгуси билан
Юрагимга нега келдинг, куз?

* * *

Мен ўтган йўллардан ўтибди кимдир,
Балки мени излаб, балки бемаслак...
Шошилиб-шошилиб қайга боряпмиз,
Бунча тез айланар олам - чархпалак.

Қонимда йиғлайди дилпора Машраб,
Маҳшар хаёлидан бўлганча пайдо.
Ишқнинг оловидан қолган лахча чўғ,
Юракнинг ичида титрар Ҳувайдо.

Мен ўтган йўллардан ўтибди кимдир,
Майсалар бағрига кўнглини тўшаб...
Кимдир ўтган йўлдан ўтаяпман мен ҳам,
Уфқлар чорлаган йўлчига ўхшаб...

Қонимда бўзлаган Машрабдир - ишқим,
Бу йўллардан уни олиб ўтаман.
Ҳамма ўтган йўлни босганча бир-бир,
Уфқнинг қонига чўкиб кетаман...

Муҳаббат ҲАМРОЕВА



НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

ВАҚТ ЎТИШИ БИЛАН ЧИҚИНДИХОНАЛАР НИМА ҚИЛИНАДИ?

Чиқиндихоналарда ахлатларни чексиз тўплаб бўлмайди. Шу боис маълум йиллар ўтгач, уларни тугатиб туриш зарур. Хусусан, қаттиқ чиқиндиларнинг усти қалин тупроқ қатлами билан қопланади. Чунки, улар атроф-муҳитни заҳарламаслиги шарт. Йиллар ўтиб ахлатхона ўрнида боғ, кўкаламзор яланглик ёки чиқиндиларни қайта ишлаш(хусусан ёқиш) йўли билан улардан газ, электр энергияси каби фойдали нарсалар олишга ихтисослашган корхоналар барпо этилиши мумкин.

ЧИҚИНДИЛАРНИ АЖРАТИБ ТЎПЛАШ НИМА?

Кунига биз кўпдан кўп нарсаларни ишлатамиз, истеъмол қиламиз. Оқибатда қоғоз, елим халта, консерва банкалари, шиша идишлар, озиқ-овқат маҳсулотлари кўринишидаги чиқиндилар йиғилиб қолади. Аъзолари сони тўрт кишидан иборат оилада бир кунда ўртача 3 килограмм чиқинди тўпланар экан. Энди бир неча юз минг ёки бир неча миллион киши яшайдиган шаҳарда бир кунда йиғиладиган чиқинди миқдорини тасаввур қилаверинг. Шу боис кўпчилик мамлакатларда чиқиндиларни қайта ишлаш осон бўлиши учун ажратиб тўплашга ҳаракат қилинади. Яъни уйлар атрофидаги кичик чиқиндихоналарга қоғоз буюмлар учун алоҳида, металл, шиша ва пластик идишларга алоҳида, озиқ-овқат қолдиқларига алоҳида махсус идишлар ўрнатилади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, қайта ишлаш мумкин бўлган ҳар бир чиқинди тури тегишли корхоналарга жўнатилади. Фақатгина вақт ўтиб эриш, чириш натижасида йўқ бўлиб кетадиган нарсаларгина чиқиндихоналарга олиб чиқиб ташланади.

ОЛОВ КАШФ ЭТИЛИШИНИНГ АҲАМИЯТИ НИМАДА?

Дастлабки одамлар одатда ғорларда яшашган ва ўз турмушларини қуёш ёруғлиги ва иссиғига мослаштирганлар. Оловнинг кашф этилиши улар ҳаётини кескин ўзгартириб юборди ва тараққиётни тезлаштирди. Олов ёрдамида улар кулбаларини ёритиш ва иситиш, йиртқич ҳайвонларни ҳайдаш, овқат пишириш имкониятига эга бўлишди. Кейинчалик эса улар олов ёрдамида турли металларга ишлов бериш ва иш қуроллари ясашни ўрганиб олишди.

ПЛАСТИК ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ МУМКИНМИ?

Биз ҳар куни чиқиндихонага чиқариб ташлайдиган нарсаларнинг тўртдан бир қисмини пластик буюмлар ташкил этади. Мана шу пластик буюмларни қайта ишлаб, улардан турли уй-рўзғор буюмлари, жумладан кийим илгичлар, елим стул ва столлар, саватчалар ва хоказолар ясаш мумкин. Пластик ҳам худди шиша сингари табиий йўл билан парчаланмайди. Шу сабабли чиқиндихоналарда йиллар давомида атроф-муҳитга зарарли таъсир этиб ётавериши мумкин.

ИШЛАТИЛГАН ҚОҒОЗНИ НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Одатда қоғоз дарахтдан, ғўзапоядан, шакарқамиш ва айрим ўсимликлар поясидан олинади. Қоғознинг атроф-муҳитга зарари кам. Аммо уни ишлаб чиқаришда баъзи кимёвий моддалар, хусусан оқартирувчи воситалар ишлатилишини ҳам унутмаслик керак. Ишлатилган қоғоз, яъни макулатурани қайта ишлаш осон. Шунинг учун кераксиз газета-журнал, дафтар-китоб ҳамда бошқа қоғозларни махсус қабул пунктларига топшириш тавсия этилади.

ЭНЕРГИЯ НИМА?

Бир неча сўз билан энергияни таърифлаб бўлмайди. Унинг таъсирини, ҳаракатини кўрсатувчи тажриба ёрдамидагина буни тушуниш мумкин. Масалан, инсон танаси энергия тўплаш ва уни сарфлаш хусусиятига эга. Агар шундай бўлмаганда эди, одам ҳаракат қилиш, нарсаларни у ердан бу

ерга силжитиш, нафас олиш, ўқиш, ўйлаш ва бошқа минглаб ишларни бажариш имконига эга бўлмасди. Энергиянинг турли шакллари бор. Жумладан, иссиқлик унинг кўринишларидан биридир. Иссиқлик музни эритиш, сувни буғлантириш, исталган нарсанинг ҳароратини ошириш, металларни чўзилувчан, эгилувчан қилиш хусусиятига эга. Электр энергиянинг яна бир шаклидир. У ёруғлик, иссиқ, совуқ ишлаб чиқаради, двигателларни ҳаракатга келтиради ва хоказо. Шу боис энергияни қисқача қилиб бизни ўраб турган барча нарсаларни ўзгартириши мумкин бўлган нарса деб таърифласа бўлади.

ЭЛЕКТР НИМА УЧУН ИШЛАТИЛАДИ?

Энергиянинг шаклларидан бири бўлган электрдан уйларни ёритиш ва иситиш, завод-фабрикалардаги кўпдан кўп ускуналарни ҳаракатга келтириш, муассасалар, дўконлар фаолиятида, дам олиш масканлари ва истироҳат боғларидаги каруселларни ишлатиш кабиларда фойдаланилади. Электр энергияси бўлмаганда телевизор ва радиолар, компьютерлар, музлаткич ва совуткичлар ҳам ишламас эди. Шу боис оловнинг кашф этилишидан сўнг электрдан фойдаланиш инсон тараққиётига катта ҳисса қўшди, дейиш мумкин.

ЭНЕРГИЯНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУМКИНМИ?

Инсон энергия ишлаб чиқара олмайди. У фақатгина энергияни ўзгартириши мумкин холос. Қуёш, сув, шамол энергиянинг битмас-туганмас манбаига эга. Инсон махсус машиналар ёрдамида уларни фойдали энергияга айлантиради. Масалан, гидроэлектростанцияларда сув энергиясини электр

энергиясига айлантириш мумкин. Генератор ўрнатилган велосипедларда педалларнинг айланиши кинетик энергияни электр энергиясига айлантириб беради ва велосипеднинг чироғи ёнади. Телевизор эса электр энергиясини ёруғлик ва овоз энергиясига айлантириш асосида ишлайди.

ЭЛЕКТРДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЭҲТИЁТКОРЛИК ШАРТМИ?

Агар одам очилиб қолган электр симларини ушласа, ток уради. Мабодо ток разряди кучли бўлса, тана куйиши, хатто одамни ўлдириши ҳам мумкин. Кучсиз разряд эса фақатгина танани қалтиратади холос.

Электр жиҳозларни ишлатишда қуйидаги эҳтиёт чораларига риоя этиш керак:

- қўл ёки оёқлар ҳўл бўлса уларга тегмаслик;

- розеткаларга мих, сим каби нарсаларни тиқмаслик;
- симёғочларга осилиб чиқмаслик;
- керакли малакага эга бўлмай туриб электр жиҳозларни созлашга уринмаслик;
- "Юқори кучланиш", "Хавфли" каби белгилар қўйилган ҳудудларга яқин бормаслик.

ДАРМОН тайёрлади.

ҚОРАКЎЗ

Унинг кўзлари шу қадар қора, ҳам фусункор эдики, юзига қараган одам энг аввал шу кўзларни кўрар ва шубҳасиз маҳлиё бўлиб қолар эди.

- Қоракўз,- деди уни янги хўжасига таништираётиб.

-Қоракўз?!

- Ҳа, Қоракўз. Унга бошқа исм муносиб эмас.

- Жуда тўғри. Фақат бир нарса, - у хохолаб кулди кучукчани эркалаб. - Янгаси билан отдош экан бу.

Кучукчанинг эгаси жиддий сиёғини ўзгартирмади.

- Э, э, ука, хотин жафо, ит вафо деган гапни эшитмаганмисиз? Сутнинг қаймоғини едирасиз, таомнинг гули шуники, жойи келса жонингизни берасиз, аммо куч-қудратдан қолган кунингиз шу итчалик қадрингиз бўлмайди. Бу бечора эса... Ювинди, суяк-саёқ, бир парча қотган нонниг эгаси, лекин ҳамиша ўрнини, вазифасини билади.

Бу гапларни яхши билсада, уйга боргач, бир сарвиқад қоп-қора кўзларини сузиб юрган ҳовлида буни "Қоракўз" деб чақира олмади. Чақирганда "бах" деди, ҳайдаганда "тур" деди. Аммо юраги ҳувиллаб, ўзи дунёларга сиғмай қолган дамлар кўчадаги ҳар хил "дедидеди"лардан жанжал чиқарадиган Қоракўзнинг ёнига эмас, ҳовлининг бир четида жимгина ётиб, уни жимгина севадиган Қоракўзнинг бошига бориб, дардини айтарди:

- Қоракўз, унинг сенчалик ҳам ақли йўқ. Бу гаплар менинг оёғимга чил бериш учун рўзғоримни бузиб, обруйимни тўкиш учун тўқиб чиқарилаётганига уни сира ишонтириб бўлмайди. Сени қанчалар яхши кўришимни айтмасам ҳам биласан. Шу аҳмоқ хафа бўлмасин деб отингни ҳам айтмайманей. Бу бўлса...

Қоракўз жуда гўзал ит бўлиб етишди. Унга ҳамма—одамлар ҳам, итлар ҳам ошиқ эди. Иликиш даври бошланса уларнинг остонаси ошиқларга тўлиб кетарди. Аммо итининг ит эргаштириб юришидан ор қилган хўжаси доимо очиқ турадиган дарвозани тақа-тақ беркитиб ташлар эди. Мафтункор Қоракўз ҳам жимгина хўжасининг иродасига бўйсиниб, ерга халқумини тираганча, дарвоза тирқишидан ошиқларини томоша қилиб ётарди. Шундайгина бир қадам нарида гўзал маъшуқалари уларни кузатиб ётганини кўрган девона ошиқлар баъзан жазавага тушишиб, бир-бирлари билан тишлашиб, кўчани бошларига кўтаришар эди. Бундай жангларда кўпинча ён қўшнининг Йўлбарси ғолиб келарди. У ҳамма итларни тишлаб, ўзи ҳам қора қонга беланиб, дарвоза олдида мардонавор чўзилиб олар эди.

Аммо Йўлбарс қанча куймасин, Қоракўз унга ҳеч қачон насиб қилмасди. Маҳаллада Йўлбарснинг хўжайинини ҳеч ким ёқтирмас эди. Қоракўзнинг хўжайини ҳам кўпинча уни: "Ҳе, эгангга ўхшамай ўл!" деб эшигидан ҳайдаб соларди. Шунда Йўлбарс оғир судралиб, ўзларининг дарвозалари томонга ўтарди-да, яна Қоракўзнинг эшигига термулганча ётиб оларди. У барча хўрликларга чидаши мумкин, чидайди ҳам, фақат у маъшуқасининг ишқида куйиб-ёниб ётган дам қўшни Қоракўзни етаклаб, нариги қўшниникига ўтиб, дарвозани беркитиб олишларига сира чидай олмайди.

Баъзан кўзлари қонга тўлиб, бўйидан баланд девордан ошиб ё панжараларнинг тагини ковлаб, қўшни ҳовлининг қоронғу бир бурчагида бирбирини ялаб-юлқашиб ётган Қоракўз билан Қоплоннинг устига бостириб борар, дунёни бошига кўтариб вовуллаганча, Қоплоннинг устига ташланиб кетарди. Қоплон Йўлбарсдан ҳам кучлироқ ит эди. Бунинг устига Йўлбарснинг босқинчилиги, мафтункор Қоракўз ўзига умид ва ишонч билан қараб туриши уни буткул қутуртириб юборарди. Бу ҳам камлик қилгандай уларнинг қий-чувини эшитган картабоз ошналар ҳам белдаста кўтариб келиб қолишарди.

Қоплон Қоракўзнинг кўз очиб кўргани, ҳар йили ундан бола кўрар, болалари қуйиб қўйгандек Қоплонга ўхшаб туғилар эди. У болаларини жуда яхши кўрар эди. Болаларининг овқатланишини мириқиб томоша қилар, ўзининг қорни ҳар қанча оч бўлса ҳам болалари тўймагунча ялоққа яқинлашмасди. Аммо болалар сал катта бўлишгач, хўжайин уларни кимларгадир совға қилиб бериб юбораверарди. Шундай пайтлар Қоракўз соғинч ва ғамдан буткул эзилиб, умуман овқат емас, озиб-тўзиб кетар, ҳовлининг ҳеч ким кўрмайдиган олис бир бурчагига беркиниб олганча юм-юм йиғларди.

Баъзан хўжайин: "Ит қани? Неча кун бўлди ҳурганини эшитмадим",- деб уни излаб қоларди.

Аслида у бошқа итларга ўхшаб, ҳудабехудага ҳуравермайди. Фақат хўжайинининг янги ишга олган тепакал ҳайдовчисини кўргани кўзи йўқ.

Хўжайин "Бўлди, бас!" десаям, бўғилгунча ҳураверади. Тепакал эса ундан ўлгудай қўрқади, бошидан ғувуллаб тутун чиқаверади.

Шу тепакални бир қўришдаёқ ёқтирмади. Дарвозахонада турибди, хўжайинга: "Сизбоп бир нарса бор",- дея тавозе қилиб турган дақиқадаёқ ёқтирмай қолган эди. Хўжайин: "Бўри тери олиб келганинг учун сени ёқтирмай қолган бу",- дейди. Ростдан ҳам у халтадан ҳали қуриб улгурмаган тери чиқарди. Унинг ҳақиқатан ҳам бўриники эканлигини исботлаш учун Қоракўзнинг тумшуғига тутди. Теридан келаётган ачимсиқ бир ҳиддан Қоракўзнинг боши айланиб, орқага тисарилди.

- Бўри териси бор уйдан бахт ва омад кетмайди. Бу она бўри, оналигиям турибди. Агар оламан десангиз, яхшилаб ошлаб, қотириб келаман.

Терини ошлаб келган кун агар хўп десангиз, боғингизга бир қараб берсам. Ўзим биринчи класс шопирман-у, каттам ишдан кетиб, янги катта ўзининг эски шопирини олиб келгани учун бекорчи бўлиб қолдим. Лекин боғдорчилик менинг жону-дилим, дарахтларингизга бир шакл берай, сиз қараб туринг,- деб ўз хизматини таклиф қилди. Қоракўз қанча акилласа ҳам хўжайин "йўқ" демади.

Тепакал уч кунда ҳовлини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди. Дарахтларга шакл, тагига ишлов берди. Тўртинчи куни хонадон бекасидан сўраб, қандайдир бир жиянини олиб келиб, ҳамма ёқни ёғ тушса ялагудек қилиб тозалаб чиқди.

Хўжайин кечки пайт ишдан қайтганда, хотини илтимос билан кутиб олди:

- Дадаси, жуда яхши йигит экан, шуни ўзингизга шопир қилиб олинг, ҳам машинангизга қараб юради, бозор-ўчарингизни қилиб беради, уйимизга ҳам қарайди. Анави сўхтаси совуқ котибангизга жавоб бериб, манави қизни ишга олсангиз-ку, янаям яхши бўлар эди. Ўзи бир етим қиз экан, лекин оёқ-қўли чақ-қонгина, жуда тортинчоқ. Савоб бўлса-бўлар-у, гуноҳ бўлмайди.

Шундай қилиб уларнинг оиласи бирданига икки кишига кўпайди. Уларнинг ташрифи айниқса бекани хушнуд қилди. Котиба тортиқчоққина бўлса ҳам эсҳуши жойида эди. Бекасига нима кераклигини дарров англаб олди:

- Янга, ғам еманг, акамга ўзим кўзқулоқ бўлиб тураман. Кабинетда ўтирганларида ўзим, машинага чиққанларида тоғам қараб юрадилар.

Аммо лекин улар бу ишни қойилмақом қилиб уддалашди. Тўғри, хўжайин фаришта бўлмаса ҳам баъзи раҳбарларга ўхшаб хотин-қизларга жуда берилган одам эмас. Унинг ҳаётида хотинидан бўлак битта аёл бор, у ҳам бўлса шу Исмигул. Исмигул яқин дўстининг беваси. Тўғрироғи, у Исмигулни дўсти уйлангунча яхши кўрган, дўстининг кўнгли борлигини билгач, ўзини тортган, ихтиёрини ота-онасига топшириб, уларнинг тавсияси билан уйланган. Аммо дўсти Исмигулни бахтли қила олмади, тўйладан сўнг уч йил ўтгач, автохалокат туфайли хотинини ёлғиз ўғил билан қолдириб кетди. У дўстининг ҳамма маъракаларида Исмигулнинг ёнида турди. Кейин ҳам кўнглининг туб-тубида хазин бир хотира бўлиб қолган муҳаббат туфайли, уни изловсиз қолдирмади. Унда-бунда бозорлигини қилиб борди. Зарурат бўлганда пулдан қарашди, улов сўраганда машина жўнатди. Исмигул ҳам кўнглида аввалдан бир иликлик бўлганми ёки унинг одамгарчиликларини кўриб, бир меҳр пайдо бўлдими, унга суяниб қолди. Бирон юмуши бўлса айтиб, бўлмаса юрагини бўшатмоқ учун идорасига келиб турадиган бўлиб қолди. У келганда телефон қўнғироқлари мискин суҳбатларини бўлавермаслиги учун баъзан ичкари хонага таклиф қилар эди.

Хотини эса ҳамиша уни Исмигулдан рашк қилар, айниқса, кейинги пайтларда "Хонимчангизга нега бозорлик қилиб берасиз? Нега унга машина юборасиз? Нега уни дам олиш хонасига олиб кириб ўтирасиз?"- деб жанжал қиладиган бўлиб қолди. Бу ҳайрон, бунчалик аниқ маълумотларни хотини қаердан олаяпти? Тўғри, Исмигулга бўлган муносабатини фақат одамгарчилик юзасидан қилинаяпти деб бўлмаса-да, хотини ўйлаган нарсалар ҳам йўқ-да уларнинг ўртасида.

Ўша куни Исмигул жуда ёмон кайфиятда қўнғироқ қилди:

- Маслаҳатлашадиган гаплар бор эди, олдингизга ўтсам, вақтингиз борми?- деди. Келгач, йиғидан қизариб, ҳовриқиб турган кўзларига қараб, котибасига "мени сўраганларга йўқ дегин", деб тайинлади. Кимдир Исмигулнинг қайнонасига уларнинг муносабатларига "тўн" кийгизиб етказган, қайнона келиб "бузуқлик қиладиган бўлсанг, бошқа шаҳарга бориб қил, кўрмайин ҳам, эшитмайин ҳам",-деб роса бақирган.

- Бошқа шаҳарга эмас, бошқа дунёга кетиб қолгим келаяпти. Ўғлимни ўйлайман, бу ёғи мусулмончилик, жонимга қасд қилсам, Оллоҳ кечирмайди. Мен...

Бир пайт "шарақ" этиб эшик очилдида, ранги-қути учиб кетган хотини кириб келди:

- Ҳа, ифлос! Қачон гапирсам, бўйнига олмайди. Беш вақт намоз ўқийдиган покиза аёл эмиш. Кўрдик қандай намозхонлигини, ифлос, кўзингни ўйиб олмасам, отамнинг боласи эмасман, бир йигитнинг бошини еганинг камми?! Энди менинг оиламни бузмоқчимисан?!

У анқайиб турган Исмигулнинг ёқасига ёпишди, икки-уч силкилиб кўйлагини елкасидан узиб олди:

- Сен ифлосни кўчага ялангоч қилиб чиқармасам юрган эканман.

Сал ўтмай хонага камера кўтарган йигитлар кириб келиб, бўлаётган можарони тушира бошладилар. У на камерачиларни ҳайдаб чиқара олар, на дерярли ялангоч бўлиб қолган Исмигулни хотинининг чангалидан ажратиб ола оларди.

Кечки пайт унинг аризасини олишди. Ҳамма билиб турибди, барчаси пухта режа билан уюштирилган. Режа ҳайдовчи ва котибанинг қўли билан амалга оширилган. Лекин ҳеч ким кечиришни истамайди. Раҳбарият ҳам, хотин ҳам. "Шундай нуфузли ташкилот раҳбари бўла туриб, шундай хунук можарога йўл қўйдингиз",- деди раҳбарият. Хотини эса очиқдан-очиқ: "Уйдан чиқиб кетинг, сизни кўришга ортиқ тоқат қила олмайман",- деди. Бу гап ҳеч нарса эди, агар у "мен ҳеч қачон бир-у ноль бўлмаганман, ҳеч бўлмаса, бир-у бир қилганман, сиз мени алмаштирган бўлсангиз, мен ҳам сизни алмаштирдим",- демаганда, у уйдан чиқиб кетмаган бўларди.

Янги уйга кўчишгандан бери эски ҳовлиларига одам топа олмай юришганди. Калитни олмапти, девор ошиб ҳовлига кирди, қараса уй ҳам қулф. Қон босими ошдими, кўнгли айниб, қайт қилгиси келди, девор суяниб, ҳовлига чиқди. Ҳувиллаб ётган ҳовли баттар юрагини сиқди. Пешайвоннинг зинасига ўтириб, бўғзига тиқилиб турган бадхазм луқмани қайтариб ташлашга уринди, аммо уддалай олмади. Бир пайт дарвоза ортидан шинғиллаган овозни эшитди. Дарвозанинг ички илгакларини туширib қараса, Қоракўз турибди кўзлари жовдираб. Энди бўғзидаги бадхазм нарса кўзларидан ёш бўлиб оқа бошлади. У Қоракўзнинг бўйнидан қучоқлаб олганча хўнграб йиғлаб юборди. Кўнглини бўшатиб бир пайт қараса, Қоракўзнинг ҳам юзлари ҳўл, кўзлари ҳўл.

- У-в-в! - Қоракўзнинг ҳам фарёди дунёни бузди.

Йигит моли ерда, деганлари рост экан. У касбининг устаси бўлгани учун мансабга етишган эди, яна шу касби туфайли рўзғорини тиклаб олди. Уйланди, фарзанд кўрди, аммо Қоракўзни ҳеч исми билан чақира олмади. Унинг учун у оддий ит эмас, машаққатли йўлларда йўлдош бўлиб келаётган қадрдон дўст эди. Қоракўз ётиб қолганда бутун оила оёққа турди, кўрсатмаган дўхтирлари қолмади. "Заҳарланган, заҳар қонига сингиб кетган. Қаратганларингизнинг фойдаси йўқ",-дейишди. "Эҳ, одамлар!.."- армон билан уф тортарди у. Бошқа нима ҳам қилсин, қанийди бечора итга ким заҳар берганини аниқлашнинг иложи бўлсайди!..

Ўша куни ишга кетаётиб, одатдагидек Қоракўз билан ҳушлашиш учун унинг олдига ўтди.

Қоракўз зўрға нафас олар, аммо хўжайинини кўриб ётган жойида бўлса-да секин думини қимирлатиб қўйди. У йўлга чиқиб турган эди.

-Берган нон-сувимга розиман. Қилган хизматларингга рози бўл. Сени жуда яхши кўраман. Сенсиз менга жуда қийин. Лекин сен жуда қийналиб кетдинг, энди Оллоҳ осон қилсин.

Видолашмоқдан бошқа чора қолмаган эди. Кўзларидан тирқираб ёш оқди. Қоракўз унга бир муддат қараб турида, чуқур хўрсинди, кўзларини юмди.

Жамила ЭРГАШЕВА

МЕН ХАТО КИЛДИМИМ?

Азизлар! Ушбу кечинмаларимни шу дамгача ҳеч кимга ишониб айтмаганман, улар юрагимнинг туб-тубига кўмилиб кетган тарих. Уларни тилга чиқариш менга қанчалик оғирлигини билсангиз эди...

Ҳозир ёлғизликдан қийналаяпман. Лекин доим ҳам бундай бўлган эмас. Оиланинг кенжа фарзанди, интиқиб кутилган ягона қизиман. Ойижоним менга ҳомиладор бўлганини сезгач, врач унинг соғлиғига хавф солинаётгани учун аборт қилишни маслаҳат берган экан. Уйдагилари билан маслаҳатлашиб, ойижоним рози бўлибди. Лекин абортга тайёргарлик кўрилаётган сўнгги сонияларда ойижоним: "Балки буниси қиз боладир? Ўғилчамни синглисидан айириб нима савоб топардим?.." деб ҳаётимни сақлаб қолган эканлар. Мен ҳам уларнинг ишончини оқлаб, қизалоқ бўлиб келдим дунёга. Аммо ойижоним бир умрга касалманд бўлиб қолдилар. Оилада биз 2 фарзандмиз: Авазбек акам ва мен.

1997 йили мактабни битириб, университетга ўқишга кирдим. Ўша йили 18 ноябр куни менинг туғилган куним, 18 га кирган куним... мендан-да бахтлироқ одам йўқ эди ўшанда...

Ҳаётим кўнглимдагидек, тақдирим пойдевори бахтдан бино бўлаётгандек эди ўша кезлари... Албатта-да, адажоним, ойижоним, Авазбек акам олдимда, ўзим талабалик чўққисини забт этган инсонман. Шодлигимга шерик бўлиб, дўстларим йиғилган хонадонимизга. Совғалар устига совғалар... Уларнинг орасидан эса мен учун энг азизи - Тоҳир акам келтирган бир дунё қирмизи атиргул ғунчаларининг тараётган ифори...

- Эшитдингми, Гулнор, Соҳиба чақалоқлик бўлибди?

- Қайси Соҳиба?

- Холангнинг қизи...

- ...

Шодиёна авжида айтилган акамнинг бу гаплари мени сўз билан ифодалаб бўлмайдиган даражада лол қолдирди. Ахир у қизча эндигина 14 га кирган, менга ўхшаб оилада ягона қизалоқ, биз у билан опа-сингил бўлиб ўсганмиз. Энди у... она?! Йўқ-йўқ! Бўлиши мумкин эмас, у ундай қиз эмас! Соҳибанинг ҳаёти синишини истамайман! Аммо афсус, акам ҳақ чиқди. Сингилчам қизчалик бўлибди. Ёз бўйи ўқишга кириш ҳаракатлари билан овора бўлиб, атрофимга назар ҳам солмай, кўп нарсалардан бехабар қолган эканман. Энг дахшатлиси, Соҳиба қизининг таваллудидан сўнг кўп яшамади, шу боис гўдак Ёдгора деган исмга лойиқ топилди...

...Ёдгорани отаси тан олмади. Ҳамма Соҳибанинг ўлимидан ўзига келолмай лол. 7 ойлик ҳомила бўлиб дунёга келган нимжон чақалоқни туғруқхонадан олиб келадиган мард йўқ. Холам қизининг фожеаси сабаб уйини сотиб, ахийри Россияга кетди. Фақат кетишдан олдин неварасини туғруқхонадан олиб, бироз пул билан бирга икки ойга бир танишникига ташлаб кетди. 2 ой ўтди. 2,5 ой ўтди...

Холамдан дарак йўқ. Энага аёл пул тугагач болани бир қариндошимизга ташлаб кетди. Шундан сўнг қизалоқ худди коптокдек бир қариндошдан иккинчи қариндошга оширила бошланди. Ирим қилиб, "ҳароми бола, нахс бостиради", деб ҳеч ким уни ҳуш кўрмасди.

Ёдгорани илк бора кўрганимда кўримсизгина, йиғлоқи бола эди. Йиғлаганда ҳам чинқириб йиғларди. Шунақа нимжон эдики, қўл текказишга ҳам қўрқиб, ўзимни олиб қочганман. Лекин Соҳибанинг ҳаққи-ҳурмати, имкон топиб, унинг фарзандидан хабар олиб турардим. Стипендия олдик, дегунча дугоналарим билан Чорсуга отланардик. Шўх-шодон қизлар ўзини атирупа расталарига уришса, мен ёш болалар кийимлари ичида адашиб кетардим. Оқшомлари Тоҳир акам билан айланишга чиқсак, суҳбатимиз фақат "кичкина маликам" ҳақида бўларди.

Ёдимда, Тошкентнинг гўзал боғларидан бирида сайр қила туриб: "Ёдгора юришни ўрганса, биринчи бўлиб албатта шу ерга олиб келамиз", - деб туриб олгандим. "Арғимчоқларда учириб, оққушлар билан суратга тушади", - десам, Тоҳир акам жилмайиб: "Ҳали, ўзинг ҳам ёш бола экансан-у, билмаган эканман", - деганди. Ўйинчоқ дўконлари олдидан бефарқ ўтолмайдиган бўлиб қолганман ўшанда.

1998 йил феврал ойининг бошлари. Ўқишдан 2 кунга рухсат сўраб, уйга қайтаётиб, йўлда Ёдгоранинг олдига кирдим. У яшаётган подъездга яқинлашганимдаёқ гўдакнинг чинқирган овозини эшитдим. Тепага югуриб чиқсам...

- Эй, Худойим-ей! Бундан кўра ўлганинг яхши эди, шумоёқ! Туғилар-туғилмас гулдек онангнинг бошини единг, сени боқиб мен нима обрў топардим, ҳароми!

Негадир Ёдгорага қаратилиб айтилган бу сўзлар менга оғир botди. Кўзларимнинг олди тиниб, бир зумга тўхтаб қолдим, уй бекаси эса бобиллашда давом этарди.



Ўзимни қўлга олиб, эшикдан салом бериб кирдим. Менга ҳеч ким эътибор бермаса-да, секин чақалоқ ётган аравачага яқинлашдим. Яқинлашдиму довдираб қолдим. Боланинг иссиғи баланд, йиғидан бўғилиб, кўкариб кетган. Биров доктор чақирай демайди. Баҳонаси: "Пул йўқ!" Жаҳл устида гўдакни қўлимга олдим. Ишонасизми, умримда чақалоқ парваришламаганман, ҳатто йўргаклашни ҳам билмаганман ўша онларда. Амал-тақал қилиб уни ўраб-чирмаб, қиш чилласига қарамай, бигиллаб ётган 3 ойлик гўдакни олиб чиқиб кетдим. Уй эгалари кулганнамо бўлиб, балкондан қараб туришарди. Йўл-йўлакай, қизалоқни бошқа ҳеч кимга хўрлатиб қўймасликни, "харом бола" тамғасини унинг пешонасидан умуман ўчириб ташлаш йўлларини ўйлаб, уйимга етиб келдим.

Адам ҳайрон, ойим лол. Дарров болани қўлимдан олишиб, "тез ёрдам" чақиришди. Қизалоқ 2 кунда анча яхши бўлиб қолди. Бир умр укагинам ё сингилчам бўлишини орзу қилган мен эса унинг қошида туну кун парвона эдим. Очиғи, роса қийналганман ўшанда. Ахир оддий каша пиширишниям билмас эдим-да. Кичкина ойимтиллам эса бирам инжиқ чиқдики...

Ўқишга келмаётганимни эшитган Тоҳир акам Тошкентдаги ҳамма ишини йиғиштириб, бизникига учиб келди. Сабабини билгач, аввалига университет мен учун, ҳаётим учун қанчалик муҳимлигини, унга етганлардан етмаганлар кўплигини, шунинг учун ўқиш ҳаётимда нима бўлса ҳам биринчи ўринда туриши шартлигини менга обдон тушунтирди. Кейин илтимос қилди... Кейин талаб қилди... Кейин тортишиб қолдик.

Бу орамиздаги илк тортишув эди. "Болани олган жойингга олиб бориб берасан!" - деди у. Тоҳир акам мени тушунишни истамади. Кетаётиб: "Олдингга қайтишимни истасанг, ўзинг университетга қайтиб бор", - деб эшикни ёпди. Ўша онданоқ юрагимни алам билан менга нотаниш бир ўжарлик эгаллаб олди. Ҳеч кимнинг гапи: на дўстларимнинг маслаҳати, на ота-онамнинг талаби-ю, ёлвориши менга таъсир қилмасди. Қизалоқни катта қилишга енг шимариб киришдим. Елиб-югуриб, унинг ҳужжатларини тўғриладим, тиббий кўрикдан ўтиб, уни врач назоратига қўйдик. Ривожланиши ортда қолаётгани учун мунтазам даволашга киришишди. Менинг эса бора-бора пулим тугаяпти... Ҳеч кимга ялинишни истамайман. Иш ҳам йўқ... Ойижоним ёлғиз қизига деб атаган қимматбаҳо тақинчоқлардан бошқа имкон ҳам йўқ. Мулоҳаза қиладиган вазият эмаслиги туфайли улар яширинча сотилиб кетди. Эвазига эса нозигойимга янги исм, жисмига монанд исм тақдим этдим. Энди унинг исми Маликабону бўлди.

Касалхонада анча қолиб кетдик. Тоҳир акам бир неча бор хабар олишга келди, аммо у билан муроса қила олмадик.

Бора-бора университет ўтмишга айланди, лекин Маликабону ҳавас қилса арзигулик қизалоққа айланди-қўйди. Мени "аяжон" деб атайди.

2 ёшга кирганда уни болалар боғчасига бериб, ўзим ота-онам ёрдамида пуллик курсни тугатиб, ҳокимиятга ЭҲМ оператори бўлиб ишга жойлашдим. Ҳар куни эрталаб Маликабонуни боғчага ташлаб, ўзим ишга кетаман. У билан шаҳарни кезиб, сайр қилиб юрсак билган билади, билмаган: "Турмушга чиқмай, қизи бор экан-ку!" - деб қийшиқ гаплар қилишарди. Ҳаммасига чидадим. Вақти келиб, ҳокимиятдан бир фотостудияга ишга ўтдим. 2001 йили уйдагилар Авазбек акамни уйлантириш тараддудига тушиб қолишди. Менга ҳам совчилар келишарди. Ота-онам менинг ҳам ҳаётим изига тушиб кетишини истаб, кечалари ухлашмасди. Барини тарозига солиб, улар айтганига розилик берадиган бўлдим.

Йигитнинг адаси адам билан ҳарбий хизматда бирга бўлиб, дўстлашишган экан. Акам билан менинг тўйимиз бир кунда бўладиган бўлди. Сал мақтанчоқроқлигини ҳисобга олмаса, Шокир ака ёмон йигит эмас эди, чоғи. Бир-икки учрашгач, акам, бўлажак келин аям, мен ва Шокир ака ЗАГСга ариза бериб келдик. Ҳаммаси шундан кейин бошланди. Шокир аканинг менга бўлган муносабати кескин ўзгарди-қўйди. У менга худди нарсага қарагандек қарарди. Хоҳлаган пайтида ишхонага бостириб келиб, эътирозларимга қарамай, мени олиб кетар, биров билан гаплашсам: "Ким у? Нега у билан гаплашасан?" каби саволларни қалаб ташлар, биров тарафимни олса, шундай силтаб ташлар эдики... Кейин навбат кийимга келди. "Уни кийма, буни тақма..." Оқибатда, эрталаб ишга йўл олаётганимда "бугун уни кўрмасам ҳам розиман", деб уйдан чиқадиган бўлдим. Охири бир хунук баҳона сабаб, ҳаммасини чилчил қилдим.

Тушлик пайти Шокир ака ишхонамга келди. Кафетерийнинг икки кишига мўлжалланган алоҳида кабинасига кирдик. Илгари ҳам шундай кабиналарда кўп мароталаб бўлганмиз. Шунчаки суҳбатлашиб, овқатланиб ўтирганмиз, холос. Лекин бу гал. Ҳеч кутилмаганда Шокир аканинг оғзидан беҳаё гаплар чиқа бошлади, беҳаё гапларга эса беҳаё ҳатти-ҳаракатлар уланиб кетди... Шунақа хўрлигим келдики... Аламдан кўзларим ёшга тўлди... Уни тўхтатай десам: "Хотинимсан, истаганимни қиламан!" - дейди. "Йўқ! мен ҳали хотинингизмасман ва ҳеч қачон бўлмайман ҳам!" - деб зарда билан кафедан чиқиб кетдим ва ҳаммасига ўзим чек қўйдим.

Акамнинг тўйида ота-онамнинг аҳволини кўриб, балки оширган юборгандирман, балки вазиятга сал кенгроқ нуқтаи назар билан қараш керакмиди, деган хаёлларга бордим. Аммо биласизми, Тоҳир акам билан 2,5 йилдан ортиқроқ вақт учрашган бўлсак-да, у менга доим ҳурматимни жойига қўйиб муомала қиларди.

Бу йил Маликабону 2-синфга ўтди. Ҳавас қилса арзигулик қизалоқ, оиламиз эркатойи. Катта бўлган сари унинг эгалари ҳам кўпайиб кетаяпти: ҳали адаси, ҳали бувиси, ҳали амакилари келишди уни сўраб. Ҳаттоки судга мурожаат қилишди. Лекин шунча воқеалардан кейин қандай қилиб мен уни бировга бера оламан? Маликабону фақат ва фақат меники эмасми?!

Бу йил университетнинг алами яна бир бор чиқди. Мен ишлайдиган фотостудияда бир англашилмовчилик сабаб мен айбсиз айбдор бўлиб қолдим. Бу чинданам англашилмовчилик эди. Чунки айбловчилар айтган жойда мен ҳаттоки бўлмаганман ҳам. Лекин буни биров суриштириб ўтирмади, аксинча жаҳл отига миниб, бўлар-бўлмас гапларни менга сачратишди. Барини жимгина тинглаб, ҳеч нимани тушунтириб ўтирмасдан, ҳеч кутилмаганда: "Ранжитган бўлсам узр", деб хонадан чиқиб, бошлиқ номига ишдан бўшаш ҳақида ариза ёздим. Бундай бўлишини ўзим ҳам кутмаган эдим, лекин мендек ўжар яна бормикан дунёда?..

Августнинг ўрталарида олисроқдаги дам олиш масканига 2 ҳафтага кетдим. Лекин қанақа дам олиш? Илк бор ўзимни шундай ёлғиз ҳис қилдимки... Агар қўл телефоним бўлмаганда, ёлғизлик уммонига ғарқ бўлар эканман. Лекин ҳар ёмонликда бир яхшилик, деганларидек, илк бор ёлғиз қолиб ўтмишимни обдон ўйлаш имконияти пайдо бўлди. Ютуқларим ва камчиликларим, келажак режалар ҳақида эрта-ю кеч фикр юритдим. Ҳаётимдаги энг катта ютуғим - бу шубҳасиз Маликабону! Лекин қаердадир хато қилганманки, ҳозир ёлғизман. Йўқ, танишларим кўп, бироқ дўстим йўқ. Келажагимга на асос, на интилиш бор. Лекин барибир яшаш керак-да. Аммо қандай қилиб? Нимага асосланиб? Кунлар шунчаки ўтиб кетаверганидан не маъни? Мен дўстларим бўлишини истайман. Шунчаки вақтичоқлик учун таниш эмас, ҳақиқий дўстларим бўлишини. Лекин тушкунликдан ҳеч чиқиб кета олмаяпман. Маслаҳатингизга шунчалик зорманки...

Айтгандай, мен билан дўстлик ришталарини боғламоқчи бўлганлар учун манзилим таҳририятда.

Ҳурмат-эҳтиром ила
ГУЛНОРАБОНУ.



ҚУВВАТБАХШ УЗУМ

Узумнинг тарихи жуда узоқ. Азалдан унинг ширин-шарбат мевалари одамларга тўйимли озуқа бўлиб келган. Қолаверса, у асрлар оша одамларнинг турли касалликларига шифо бўлиб, шодлик ва узоқ умр ато этган.

УЗУМ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Айтишларича, қадимги грек худоларидан бўлган Дионис Ампела исмли ўсмирга совға инъом қилмоқчи бўлибди. Бироқ совғага эришиш учун ўсмир энг баланд чўққига тирмашиб чиқиши керак экан. У баландга чиқаётиб йиқилиб, мажақланиб кетибди. Шундан сўнг қайғуга ботган Дионис унинг хотираси учун танасини узумга айлантириб қўйибди. Шу боис узум ҳамиша баландга тирмашар, ҳатто энг баланд дарахтларнинг учигача ўралиб ўсар экан.

Унинг пайдо бўлганига беш минг йилдан ошган. Одамлар узум ва унинг шифобахшлик хусусиятини жуда қадрлашган Унинг барглари ва мевалари фойдали моддаларга жуда бой. Узум бемор танасига турлича таъсир кўрсатиб, саломатлик ва қувват ато этади. Тиббиётда узум билан даволаниш ривожланган бўлиб, Ампелотерапия деб аталади.

АЖОЙИБ ШИФОКОР

Узум билан даволанмайдиган касалнинг ўзи йўқ. У ўзининг кимёвий таркибига кўра она сутига яқин туради. Ундан кўп истеъмол қилганлар танасини катта миқдордаги ҳимоя қуввати билан таъминлайдилар.

Узум юрак фаолиятини яхшилайди. Қон босимини пасайтириб, нафас олишни меъёрлаштиради. Асаб тизими ишини яхшилаб, уйқусизликни даволайди. Юрак, жигар, буйрак, ўпка, ошқозон касалликларини даволашда шифокорнинг энг асосий ёрдамчиси ҳисобланади. У йиғилиб қолиши натижасида подагра касалини келтириб чиқарадиган сийдик кислотасини танадан чиқаради.

Таркибида микроэлементлар кўп бўлгани боис қон айланиш тизимига ижобий таъсир кўрсатади. Узум таркибида кўп бўладиган глюкоза дарҳол ичакларга сўрилиб, модда алмашиш жараёнини меъёрлаштиради.

Узум меваси сийдик ҳайдайдиган, терлатадиган ва тошларни эритадиган ажойиб восита ҳамдир. Унинг меваларида фитонцитлар мавжуд бўлиб, улар ичаклардаги микробларни, ҳатто вабога сабаб бўладиган таёқчаларни ҳам йўқотадиган хусусиятга эгадир.

Ампелотерапия усулида даволаниш пайтида кунига 1,5-2 килогача узум ейилади. Фақат уни бошқа озуқалар билан аралаштириб юбормаслик керак. Акс ҳолда у ичакда бижғиб қолиши мумкин. Қанд касали, ошқозони, ўн икки бармоқли ичакларида яраси бор, сурункали колит ва семизликка мойил кишиларга узум ейиш тавсия этилмайди.

ШАРБАТИ ҲАМ ФОЙДАЛИ...

Узум шарбати ширин ва фойдалилиги билан ажралиб туради. У танадан сийдик кислотасини чиқариб. Сийдик пуфагидаги тошларни эритиб юборади. Бундан ташқари умумий ҳолсизлик ва камқонликда ёрдам беради. Шунингдек, хотира сусайиши (атеросклероз)да ва қонда холестирин ошганда, қон томирлари тиқилишини олдини олишда ичилади.

Узум шарбати айниқса, юрак хасталигидан қийналадиган беморлар учун бекиёс фойдалидир. Ушбу шифобахш шарбат туфайли юрак тўқималари азоти окисини уч баравар ортиқ ишлаб чиқариб томирларни кенгайтиради ва уларда тиқинлар пайдо бўлишига йўл қўймайди. Қизил узум шарбати ва қизил вино таркибида биологик фаол моддалар кўп бўлгани учун қон томирларида (кўк томирларда) қон қуйилиб (тромбоцит) қолишининг олдини олади. Унинг бундай хусусияти эса айниқса юрак касали бор беморларга қўл келади.

КЎПРОҚ МАЙИЗ ЕНГ!

Узумнинг бебаҳо шифобахш хусусиятлари ва ширин таъми қуритилганда ҳам йўқолиб кетмайди. Ундан тайёрланган майизда калий кўп бўлгани учун кардиологлар кунига 50-100 граммдан майиз еб туришни тавсия этадилар.

Юрак, қон-томир касалликларидан азият чекадиган беморлар майизни асал билан аралаштириб ейишлари керак. Инсультнинг олдини олишда, шунингдек, инсультдан кейинги даврда асал билан майиздан тайёрланган аралашмадан кўпроқ ейиш шарт. Хотира сусайганда, қон босими ошганда, асаб тизими фаолияти бузилганда майиз ва асал аралашмасидан ейиш ҳар қандай кучли дори-дармондан кўпроқ ёрдам беради. Табибларнинг айтишича, қора майизга қўшилган асал ғазабланишнинг олдини олиб, оқ майизга аралаштирилган асал эса ичакларни тозалар экан.

Майиз дамламаси (шакарсиз) болалардаги ҳароратни туширадиган энг яхши восита ҳисобланади. Бундан ташқари у терлаш пайтида йўқотилган намлик, микроэлементларни тиклаб, танадаги минераллар тенглигини сақлайди.

Узум егандан сўнг албатта оғизни илиқ сув билан чайиб ташлаш керак. Чунки унинг таркибидаги қанд ва кислоталар ўз навбатида тиш эмалини ишдан чиқариб, тишларнинг емирилиб кетишига олиб келади.

ЮЗ ВА ТАНАГА ҲАМ...

Аёллар гўзаллигини сақлашда ҳам узумдан фойдаланмай илож йўқ. Чунки унинг сершарбат мевасидан юз ва бўйин учун ниқоблар тайёрланади. Бундай ниқоблар терини майин қилади ва тиниқлаштиради. Унинг таркибидаги аскорбин кислотаси терини тиранглаштириб, тозалайди ва қайишқоқлигини оширади. С ва Р дармондорилари эса танага аскорбин кислотасининг сўрилишини ва тўпланишини таъминлайди. Масалан, тушлик олдидан бир стакан узум шарбати ичиб олган киши танасини бир кунлик В дармондориси билан таъминлайди. Бу эса зўриқишга қарши курашишда танага ёрдам беради. Турли тошмаларни, қазғоқни йўқотиб, сочларни жилолантириб, мўрт тирноқларни мустаҳкамлайди.

Узум қувватни оширишига қарамасдан вазнни камайтириш учун қўлланадиган парҳезда ҳам тавсия этилади. Парҳез даврида уч кун давомида фақат узум ейилади. Кейинги икки ҳафтада эса у фақат кечки овқат ўрнида истеъмол қилинади. Бу парҳез-танадаги хилтларни чиқаради, модда алмашинувини яхшилайди ва ортиқча вазнни йўқотишга ёрдам беради.

УЗУМ БИЛАН ДАВОЛАНИШ

Узумда глюкоза, фруктоза ва, азот кислоталари, дубил моддалар ва пектин мўл. Биологик фаол моддалардан аскорбин, фолий ва никотин кислоталари, антоциан, флавоноид, гормонлар ва эфир мойи бор. Даво сифатида барглари ва меваларидан фойдаланилади.

● **Ангина, фарингит ва ларингитда** узумнинг қуртилган барглариданн тайёрланган дамламадан ичинг. Бунинг учун бир ош қошиқ қуритилган барглар устига бир стакан қайноқ сув қуйиб дамлама тайёрланади.

У 20 дақиқа турганидан сўнг кунига 2-3 маҳал ярим стакандан истеъмол қилинг.

● **Бачадондан қон кетганда** ҳам узум баргини кукундек туйиб. бир ош қошиқдан енг.

● **Қон босими ошганда** эса кунига 2 маҳал 1 стакандан узум шарбатидан ичиб туринг.

● **Толиққанда ва касалдан энди турган беморларга** узум шарбатини қуйилгунча паст оловда қайнатиб, кунига уч маҳал 0,5 стакандан ичиринг.

● **Йўталда ва бронхит касаллигида** 30 грамм майизни сувда 45 дақиқа ивитиб қўйиб сут билан енг.

● **Тетиклаштириш, юздаги ажинларни текислаш** учун қизил узум виносини қаймоқ билан аралаштириб юзга суринг. 20 дақиқадан сўнг сутга ботириб олинган пахта билан артиб ташланг.

● **Яраларни битиришда** барглари шамоллашнинг олдини олиш, қон тўхтатиш ва яраларни битиришда ишлатилади.

Узум шарбатини овқатланишдан 1 соат олдин, ҳар куни 3 маҳал 1 стакандан ичилади. Даволаш муддати 1-1,5 ой.

● **Ич кетганда** ҳали пишиб етилмаган кўм-кўк меваларидан тайёрланган 1/2 стакан нордон шарбатига 1,4 стакан қуюқ қайноқ чой ва 4 чой қошиқ шакар қўшилади. Аралашма бир кўтаришда ичилади. 1,5 -2 соатдан сўнг таъсири сезилади.

● **Ларингитда** 2 ош қошиқ оқ узум виносига 1 стакан сув ва 1 ош қошиқ пиёз шарбати аралаштирилади. 1,2 стакандан кунига 3-4 маҳал илиқ ҳолда ичилади. Таъбга қараб асал қўшиш ҳам мумкин. Бу аралашма хириллашни ҳам йўқотади.

● **Шишганда ва қабзиятда** узум зангларини (прутья винограда) йиғиб,



кўмири кукундек туйилади. 2-3 ош қошиқдан ҳар куни 0,5 литр сувга солиб қайнатилади. Бу аралашмани 1,2 стакандан тушликдан олдин ичилади. Даволаш муддати 15-20 кун.

● **Подаграда** 3 ой давомида қуйидаги тартибда фақат узум еб, шарбати ичилади.

3 кун - 1,4, 5 кун - 1/2, 5 кун - 3,4, 5 кун - 1, 5 кун -1,25 стакандан шарбати ичилади.

● **Юрак хасталигида** 30 грамм майиз 1 стакан сувда 10 дақиқа қайнатилиб, 1 соат тиндирилади. Аралашма 1,3 стакандан кунига 3 маҳалдан ичилиб, майизи ейилади.

● **Сил касалида** иложи борича кўпроқ узум ейиш керак. Лекин узум доналарини ютиш керак эмас. Узум донасини оғизда эзиб, уруғининг ярми эзилиб, ютилади.

● **Сурункали қабзиятда** ҳар куни 3 маҳал овқатланишдан 1 соат олдин 2 стакандан узум шарбати ичилади. Муолажа муддати 2 ой.

● **Ангина ва пародонтозда** 1 ош қошиқ майиз устига 1 стакан қайноқ сув қуйилиб 2 соат дамлаб қўйиладида, бу дамлама билан оғиз ва томоқ чайилади.

● **Чипқон ва яраларни даволашда** узумнинг янги барглари майдалаб бўтқа ҳолига келтирилади. Ушбу бўтқани докага ўраб яраларга қўйилади. 1 соатдан сўнг яра илиқ сувда ювиб ташланади. Бу муолажани то яралар тузалгунча 10 марта бажариш керак.

● **Тери сўлғинлашса** 3-5 та узум донасини иккига бўлиб шарбати юз ва бўйинга сурилади. 20 дақиқадан сўнг тери тиранглашгани сезилади.

ДИЛБАР ва ҲАМИДА тайёрлашди.



ҒАШЛИК ВА ДИЛХИРАЛИКДАН КУТУЛИНГ!

Куз... Булутли ҳаво, хазонрезгилик одамга салбий таъсир этади, чарчоқ, кайфиятсизлик, кўнгил ғашлиги каби ҳолатларни пайдо қилади. Хўш, шундай вазиятда организмга қандай ёрдам бериш керак?

СОҒЛИҒИНГИЗ БОЙЛИГИНГИЗ

РОҲАТБАХШ ЕГУЛИКЛАР

Аввало, биз таркибида фойдали микро ва макроэлементлар сероб бўлгани боис кучимизга куч, соғлиғимизга соғлиқ қўшадиган, кайфиятимизни кўтарадиган, дангасаликдан қутқарадиган егуликлар ҳақида гаплашамиз.

Кайфиятни кўтарадиган мевалар сирасига биринчи галда мандарин киради. Бу бежиз эмас, албатта. Мандарин ва бошқа цитрус мевалар пўчоғида айнан кайфиятни кўтаришга хизмат қиладиган эфир мойлари бисёр. Бу мевалардан истеъмол қиларкансиз, пўчоғини ташлаб юборишга шошилманг. Яхшиси кичкина халтача тикиб олиб, пўчоқларни ўшанга солиб, ёнингизда олиб юринг. Айтайлик, ишхонада ёки уйда бирор сабаб билан кайфиятингиз бузилса, қўлингиз ишга бормай қолса, дарҳол чўнтагингиздан халтачани чиқариб, мандарин ва апелсин ифорларини тўйиб-тўйиб ҳидланг.

Ертут таркибидаги эфир мойлари ҳам кайфиятсизлик, дангасалик, чарчоқ ҳолатларида яхши ёрдам бериши исботланган. Мунтазам ертут мураббоси қўшилган ёки унинг қуритилган барги ва мевасидан аралаштириб дамланган чой ичиб туриш керак.

Кайфиятни кўтарувчи гормонларни ишлаб чиқаришга ёрдам берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари орасида банан алоҳида ўрин тутади. Фақат бананни бошқа маҳсулотлар, айниқса нордон мевалар ва оқсиллар билан аралаштириб бўлмайди. Чунки банан таркибида карахмал кўп бўлгани боис, бошқа маҳсулотлар билан аралашса, ҳазми оғирлашади.

Шоколадхўрларда кайфиятсизлик, лоқайдлик ҳолатлари камроқ кузатилиши аниқланган. Мутахассислар айниқса, қора рангли шоколад истеъмол қилишни тавсия этишади.

Таркибида магний, калий ва В гуруҳ витаминлари кўп бўлган маҳсулотлар ҳам сурункали чарчоқ ва маъюсликни енгишда қўл келади. Бу моддалар асаб тизимининг меъёрида ишлашига ва организмда йод танқислигига барҳам беришга, демакки бош миянинг фаоллигини оширишга хизмат қилади. Шунинг учун денгиз карами, какао, пишлоқ, сут маҳсулотлари, ёнғоқ, дуккаклилар, кўк сабзавотлар дастурхонингиздан узилмаслигига ҳаракат қилинг.

ИШДАГИ ЧАРЧОҚНИ ЕНГИШ

Баъзида бирдан келган кучли чарчоқ, ҳафсаласизлик боис қўлимиз ишга бормай қолади. Бор-йўғи 10-15 дақиқа вақт оладиган қуйидаги машқлар айнан шундай ҳолатларда жуда қўл келади.

● Ўзингизда кучли чарчоқ, ҳафсаласизлик сезишингиз билан дераза ёнига келинг ва майин тебранаётган дарахт шохларига қараб туринг. Осмонга термулиб туришингиз ҳам мумкин. Ёинки, деворга осилган чиройли табиат манзарали расмни бир муддат томоша қилиб туринг.

● Деразадан боқаётганда ёки расм томоша қилаётганда жилмайишга уриниб кўринг. Ёинки, 5 сония кўзларингизни каттакатта очиб "маймунчасига кулиш" ҳолатида туринг. Сўнг юз мушакларини бўшаштиринг.

● Юзингизни бужмайтириб, хўмрайган ҳолатда 5 сония туринг, кейин шунча вақт кўзларингизни юмиб очинг. Охирида яна 5 сония тўғрига тикилиб туринг.

● Елкаларингизни кўтариб чуқур нафас олинг ва бошингизни ичкарига тортинг. Нафас чиқармай шу ҳолатда бир муддат туринг. Зўриқиш ҳис қилишингиз билан бирдан нафас чиқаринг. Нафас чиқараётганда "ҳа" деган товушни талаффуз қилишингиз ҳам мумкин. Бу жуда қадимий усул бўлиб, нафас билан бирга танадаги чарчоқ ҳам чиқиб кетади ва асаб тизимининг меъёрида ишлашига ёрдам беради.

● Қўлларингизни олдин орқага, сўнг юқорига кўтаринг ва дастлабки ҳолатга қайтинг. Қўлларни чархпалак шаклида айлантира туриб навбати билан оёқларингизни кўтаринг. Бунда товонларингиз ўзингизга тортилган бўлсин.

● Ўнг қўлингизнинг кафти билан бўйнингизнинг ўнг томонини ва орқасини 5 сония уқаланг. Худди шу тарзда чап қўл билан чап томонни ҳам уқалаш керак.

● Ҳар 1-2 соатда енгил тин олиб, ҳордиқ ёзиб туринг.

ЎЗ УЙИМ - ЎЛАН ТЎШАГИМ

Сурункали чарчоқнинг энг яхши давоси тиниқиб ухлаш эканлигини унутманг. Уйқуга ётишдан олдин хонани яхшилаб шамоллатиш, иложи бўлса деразани ёки форточкани очиб ухлаш тавсия этилади. Кечи билан соат 11 да ухлагани ётинг.

Мабодо сизга дарахт баргларининг шитирлаши ором бағишлайдиган бўлса, оддий қоғоз варақни қирқиб-қирқиб, деразага осиб қўйинг. Натижада сиз дарров уйқуга кетасиз, тиниқиб ухлайсиз.

Агар сиз меҳмон кутаётган бўлсангиз-у, кайфиятингиз тушкун бўлса, ташвишга тушманг. Ваннани сувга тўлдириб, унга апелсин ёки мандарин эфир мойидан 5 томчисини ош тузи ёхуд бир ош қошиқ қатиққа аралаштириб қўшинг. 15-20 дақиқа мана шу сувга тушиб ўтирсангиз, чарчоқ ва хафагарчиликдан асар ҳам қолмайди. Меҳмонларингизни ҳам хуш кайфиятда кутиб оласиз.

Ваннахонага дағал гиламча тўшаб қўйинг. Чунки эрталаб юз-қўлни, тишларни ювaётган пайтингизда ўйноқи мусиқа қўйиб, мана шу гиламча устида мусиқага мос ҳаракатлар қилсангиз, оёқ тагидаги барча рефлектор нуқталар уқаланиб, кайфиятингиз кўтарилади.

Уйдаги мебел ва бошқа жиҳозлар ўрнини ўзгартириш, бирорта янги жиҳоз ўрнатиш ҳам кайфиятни кўтарар экан. Хатто чироқларга кийдирилган абажур ҳам ғашлик ва дилхираликни кетказишда ёрдам беради. Кайфиятингиз тушкун бўлса, қизил, сариқ ёки олovранг абажур кийдирилган чироқни ёқиб, "рангли терапия" қабул қилишингиз мумкин.

ҲАЁТГА НАЗАРИНГИЗ ҚАНДАЙ?

Тез-тез тушкунликка тушиб турадиган бўлсангиз, ҳаётга назарингизни ўзгартиришни маслаҳат берган бўлар эдик.

● Ҳеч қачон ҳеч нарсадан афсусланманг. Яхшиси, келажакка умид ва ишонч билан боқиб, олға интилинг.

● Ўзингиз учун муҳим, қизиқ ва зарур бўлган вазифаларни назардан қочирманг.

● Ўзингизни ҳаётнинг ҳар лаҳзасидан лаззат олишга ўргатинг. Соғ-омонлигингиз, бошпанангиз борлиги, дастурхонингиз тўкинлиги учун Яратганга шукрона айтинг.

● Ёрдамингизга муҳтож одамларга қўлингиздан келганча кўмак беринг, имконингиздан ташқари ишларни ваъда қилманг.

● Ёрдамга муҳтожлик сезсангиз, атрофингиздагилардан мадад сўрашга орланманг. Қувноқ, ҳаётсевар кишилар билан кўпроқ мулоқотда бўлишга ҳаракат қилинг, тунд, ҳафсаласиз одамлардан узоқроқ юринг.

● Қайсидир масалаларда ишингиз юришмаётган бўлса, дарров тушкунликка тушиб ўтирманг. Биттагина муваффақиятсизликни деб ҳаёт тўхтаб қолмайди-ку. Омадингиз юришаётган, ишингиз бароридан келаётган соҳаларга кўпроқ эътибор қаратинг. Қизиқарли давраларда бўлишга, яхши кинолар кўришга, китоблар ўқишга, мусиқа тинглашга интилинг. Буларнинг бари кўнгил хижиллигини тарқатишга ёрдам бериши шубҳасиз.

ҲАФСАЛАСИЗЛИК ВА ЛОҚАЙДЛИКНИНГ ДАВОСИ

Кайфиятни кўтаришнинг ўнлаб усуллари мавжуд. Нуқтали уқалаш, нафас олиш техникаси, ижод, мусиқа, ароматерапия ва хоказо. Асосийси, одам чарчоқ, лоқайдлик ва ҳафсаласизликни ҳафталар ва ойлар мобайнида "ичига ютиб" юрмаслиги, мана шу иллатларнинг биринчи аломатлари бўй кўрсатиши билан организмига ёрдам бериши керак.

● Чарчоқ ва ҳафсаласизликда энг яхши даво воситаларидан бири сувдир. Сизда нохуш кайфият уйғотган суҳбатдан сўнг совуқ сувли ванна қабул қилинг ёки қўлингизни 5 дақиқа мобайнида совуқ сувда ювиб туринг. Тушкунлик ва қўрқув ҳолатида бўлсангиз, иссиқ сув тўлдирилган ваннага тушиб ётинг ёхуд иссиқ душ қабул қилинг. Эрталаб пакетчали чой дамлаб ичиб, пакетчаларни музлаткичга қўйиб кетинг. Чунки куни билан ишда кўзингиз толиқса, кечқурун ванна қабул қилаётганингизда ана шу пакетчаларни кўзингизга қўйишингиз мумкин бўлади.

● Ҳафсаласизлик, лоқайдлик ҳолатига тушиб қолганингизни сезсангиз, дарҳол бошингизни пастга эгиб, бўртиб чиққан еттинчи умуртқангизни уқаланг. Сўнгра бошни дастлабки ҳолатига қайтариб, яъни тўғрига қараб шу умуртқа остидаги нуқтани 1-2 дақиқа сал босиб соат мили йўналишида айлантириб уқаланг.

● Бармоқларни қулф қилиб ёпиш кайфиятни кўтаришга ёрдам беради. Шу машқ билан бир неча сония бармоқларингизнинг чигалини ёзинг. Сўнг ўзингизга қулай ҳолатда турибми ё ўтирибми бармоқларингизни бир-бири орасидан ўтказиб, бош бармоқларнинг учларини бирлаштиринг. Кўзларингизни юмиб, фақат бармоқларингизнинг мана шу ҳолати ҳақида ўйланг.

● Қўлларингизни кўкрак баландлигида тутиб туринг. Чап қўл бош бармоғининг тирноғи устига ўнг қўл бош бармоғининг юмшоқ жойини қўйинг. Шундан сўнг чап бош бармоқнинг юмшоқ жойига ўнг кўрсаткич бармоқнинг юмшоқ жойини ва шу тартибда бошқа бармоқларни ҳам қўйиб чиқиб, зинача ҳосил қиласиз. Жимжалоқларингиз эса тўғри турсин. Машқни 5 дақиқа давомида бажариш зарур.

● Тезда кайфиятни кўтариб, чарчоқни чиқаришда нафас олиш машқлари яхши самара беради. Қорнингизни ичга тортиб, ичингиздаги бор нафасни оғиздан чиқаринг. Сўнг бурун билан чуқур нафас олиб, қорнини чиқаринг ва яна дастлабки ҳолатда нафас чиқариб, 8 сония нафас олмай туринг.

ЖИСМОНИЙ МАШҚ ФОЙДАЛИ

Жисмоний машқлар руҳий сиқилиш ва кайфиятсизликдан қутулишда яхши ёрдамчи. Улар чарчоқ ва ҳафсаласизликни енгишда ҳам қўл келади. Куни билан тик оёқда юриб чарчаган бўлсангиз ҳам кечки пайт тоза ҳавода жисмоний машқлар бажаринг, озроқ югуринг. Булар кайфиятингизни кўтариб, ишчанлик қобилиятингизни оширади.

Бунинг сабаби шундаки, жисмоний машқлар бажариш пайтида организмда "бахт ва қувноқлик гормони" эндорфин ишлаб чиқарилиши кучаяди. Қолаверса, машқлар қон айланишини яхшилайди. Бу эса ўз навбатида бутун организмни тозалашда, кислород билан тўйинтиришда ҳамда зарур озуқавий моддалар билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Серҳаракат одамларнинг мияси яхшироқ ишлаши аниқланган.

Шифокорлар ҳафтасига уч кун серҳаракат сайрни тавсия этишади. Шундан сўнггина спорт тўгарагига аъзо бўлиш мумкин. Лекин машқлар билан организмни зўриқтирмаслик керак. Руҳшунослар бунда жуфтлик спорт турлари, яъни теннис, шарқ яккакурашлари, бадминтон кабилардан бирини танлашни тавсия қиладилар. Чунки бунда ўзаро мулоқот ҳам кўтаринки кайфият бағишлайди.

ДАРМОН тайёрлади.

Кайда ўзи ўша бахт?

32 3 ой турмуш қилиб ажрашиб кетдик. **Ёшим 26 да.** Андижонликман. Ҳозир савдо-сотиқ билан шуғулланаман. Оиласи билан жиддий сабабларга кўра ажрашган, 35-36 ёшлардаги бирор касбда ишлайдиган, олийжаноб эркакнинг дил розини кутаман. У албатта уйим-жойим, оилам дейдиган ҳалол инсон бўлишини орзу қиламан.

Манзилим тахририятда.
Мухлисахон

33 Отам 58 ёшда. Ҳар куни спорт билан шуғулланади. Яхши лавозимда ишлайди. Ишга ўзи машинада бориб келади. Бўйи 180см. Онам беш йил аввал вафот этди. Ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ. Тошкент шаҳри, Бўстонлиқ, Қибрай туманларидан ёки водийлик 40дан 50 ёшгача бўлган аёл бўлса уйлантирмоқчи эдим.

Манзилимиз тахририятда.
Ҳотамбой

34 Бухороликман, **ёшим 60 да.** Нуфузли лавозимларда ишлаб, ҳозир пенсияга чиққанман. Бир ўғил, уч қизимни уйли-жойли қилиб, катта ҳовлида ёлғиз яшаяпман. Аёлим қазо қилган. Қишлоқ шароитига кўникадиган, инсофли, саришта, 45 ёшдан ошган аёл бўлса бирга умргузаронлик қилардик.

Манзилим тахририятда.
Саид ака

35 Дугонам жуда соҳибжамол ва ўз ишининг моҳир устаси. **Ёши 28 да.** Яхши оилада тарбия кўрган, шарм-ҳаёли, оқила бир қиз. Кўрганларнинг ҳаваси келади. Унинг таъби жуда нозик. Тошкентда доимий яшайдиган, олий маълумотли, иш жойи тайин, 35 ёшгача бўлган бир йигитни бахтли қилган бўлар эди.

Манзили тахририятда.
Зарина Бону

36 Қўшнимизнинг қизи жуда ақлли, меҳнаткаш ва оқила бўлгани учун кўп совчилар келди. У уй-рўзғор юмушларини жуда жойига қўйиб бажаради. Табиатан вазмин. Лекин негадир совчи бўлган йигитлар унга маъқул бўлишмади. Ҳозир **ёши 31 да.** Лекин у ҳам турмуш қуриши керак. Уйланиб ажрашган бахтни, оилани ардоқлаб яшайдиган йигитни бахтли қилишига ишонаман. Шундай йигитлар бўлса овоз берсин.

Камолатой

37 Қашқадарёликман. **Ёшим 42 да.** Касбим чеварлик. Турмуш қуриб, ажрашганман. Фарзандим йўқ. 45-50 ёшлардаги ҳалол, вафоли, меҳрибон бир эркак бўлса турмуш қурган бўлардим. Қайси вилоятдан бўлишининг аҳамияти йўқ.

Манзилим тахририятда.
Гулсара

38 **49 ёшли** зиёли йигитман. Тошкент шаҳридаги билим даргоҳларидан бирида ишлайман. Бирор касбда ишлайдиган, уй-жойли, соғлиғи жойида бўлган аёлга уйланиб бахтли оила қуришни истайман.

Манзилим тахририятда.
Рустам

39 Ҳамкасбимнинг **ёши 28 да.** Бухоро шаҳрида туғилган. Олий маълумотли. Масъул лавозимда ишлайди. Жиддий ва камтарин қиз бўлганлиги боис йигитлар билан гаплашишдан уялади. Лекин биз унинг турмушга чиқишини ва бахтли оила бекаси бўлишини жуда истаймиз. Тошкент ёки Бухоро шаҳридан бўлган, мард, ақлли йигитлар бўлса қўнғироқ қилишсин.

Манзил тахририятда.
Комилахон

40 **24 ёшли,** қадди-басти келишган, баобрў хонадоннинг фарзанди, нуфузли ташкилотда ишлайдиган ўқимишли йигит ўзига муносиб ёр излайди. Бўлажак келин Самарқанд шаҳрилик, аммо тошкентда яшайдиган, маълумотли, чиройли, пазанда ва оқила қиз бўлиши керак.

Манзили тахририятда
Самандар

41 Қибрайликман. **Ёшим 60 да.** Фарзандларимни уйли-жойли қилганман. 50 ёшлардаги бефарзанд бир аёл бўлса умргузаронлик қилиш ниятида эдим.

Манзилим тахририятда.
Саъдулла

42 Тақдир тақозоси билан оилам бузилиб, ажрашиб кетдик. **Ёшим 26 да.** Бир уйни сариштадаб ўтирадиган аёлман. 3 ёшли ўғлим бор. Уй-жойли, ўқимишли эркак бўлса (битта фарзанди бўлса ҳам майли), бахтли қилган бўлардим.

Манзилим тахририятда.
Меҳри

43 Эрим автоҳалокатда вафот этганда 20 ёшда эдим. Ҳаётимни якка-ю ягона фарзандимга бағишламоқчи эдим. Лекин ёлғиз яшаш жуда оғир экан. Қайси вилоятда яшаса ҳам уй-жойи бўлган, кўнглимни тушунадиган эркак билан танишмоқчиман.

Манзилим тахририятда.
Малоҳат

44 **56 ёшдаман.** 80 ёшли онам билан ҳовлида яшаймиз. Фарзандларим уй-жойли бўлиб кетишган. 40 ёшларда бўлган, тошкентлик, саранжом-саришта, кекса онамни ва мени ҳурматлайдиган бефарзанд, ёки фарзандларидан қутилган аёл тополса, жуфти ҳалолим бўлар эди.

Манзилим тахририятда
Нарзулла

О, муҳаббат...

МАНГУ ҚАЛБИМДА У...

(Боши ўтган сонларда)

Кўнглим тоғдек кўтарилади. Учтўрт кундан кейин менинг номим қаторида «у қиз»нинг ҳам исми чиқа бошлайди. Бу нарсани бир-биримизни тушуниб бораётганимизнинг ўзига хос далолати деб англайман. Шуниси ёмон эдики, ўтган йиллардагидек қизларни бошқа бригадага олиб кетишади. Мен эса «у қиз» билан яна илгаригидай фақат кечқурун ёки эрта тонгда кўришиб қоламан...

«У қиз»нинг дала юмушларига мос пошнаси қаттиқ туфлиси бўлгучи эди. Кечқурун йўлакдан ўтиб ташқарига чиқаётганини, сўнгра қайтиб ичкарига кираётганини эшитиб ётаман. Баъзан «у қиз»нинг мени деб атайлаб

чиқаётганини пайқайман – оёқ товушлари чўзилиброқ эшитилади. Ташқарига отиламан. Лекин қизга яқин йўлашга барибир юрагим дов бермайди. Бизни биладиганлар, назаримда: «Қани булар нима қилар экан?» деб у ёрбу ердан мўралаб тургандек туюлади. Шу алпозда ҳар доимгидек кунлар кетидан кунлар ўтади...

Бир куни «у қиз»нинг синфидаги Н. исмли қиз (исмини одоб юзасидан келтириб ўтишни лозим кўрмадим) мен билан танишмоқчи, кейин лозим кўрса «юрмоқчи» эканлиги қулоғимга чалиниб қолди. Н. исмли қизни хиёл танир эдим. «Серкино» қизлардан деб билардим. Унга бепарво юравердим. Кўнглимнинг кўчасига ҳам келтирмас эдим. Агар узоқ-яқиндан менга қараётганини сезсам, кўрмагандай четга бурилиб кетар эдим... Орадан кўпам вақт ўтмаганди, бир куни тонг паллада мен билан бир синфда ўқийдиган, бир кўчада турадиган Мавжуда олдимга келиб, «нима қилиб қўйдинг, эсингни едингми?» дея ўтакамни ёраёзди. Ҳанг-манг бўлиб қолдим. У воқеани тушунтириб берди. Гўё мен ўша Н. билан «юрмоқчи» бўлган эмишман. Буни эшитиб қолган «у қиз» изтироб чекаётган эмиш. Мавжуда шу гапларни шошиб-пишиб менга етказди-ю тезда жўнаб қолди. Ҳеч нарсага тушунмай қолган бўлсам-да, энг муҳим хабар олгандим: «У қиз изтироб чекаётган эмиш»! Ким деб!? Мен деб! Бошим осмонга етди, қувончларга тўлдим. Шу пайтда мендек бахтли одам йўқ эди, гўё! Кейин билсам, «у қиз» Мавжудага кўнгли мендалигини айтибди. Мени деб тун бўйи бедор тўлганиб чиқар эмиш. Ўзича куйлаб, хиргойи қилиб юрар эмиш. Муяссарнинг ёқимли овози қулоғимга эшитилгандай бўлди... Ўша вақтлардаги лирик қўшиқлар, айниқса, «Кел ёр, ўйланма», «Энг гуллаган ёшлик чоғимда» каби ашулалари биз ёшларнинг қалб сўзларидек янграр эди. Муяссар ҳам ўша қўшиқларни мароқ билан эшитиб, сўнг ўзи куйлаб юриши ҳақидаги хабар менга етиб келганди.

Шу куни кечга бориб яна бир мактуб ёздим. Ёнимда бир дўстим ҳам бор эди. Хатни ташқарида, чироғи бор овлоқ айвончада ёзишга тутиндик. Қоғозни қоралаб бўлган ҳам эдикки, уч ўқитувчимиз – Хожиакбар ака, Умар ака ва исми эсимда йўқ яна бир муаллим биз томон келаётганларини кўриб қолдик. Болалигимизга бориб, «ножўя» хатти-ҳаракатимизни сездириб қўйдик. Умар ака қўлимдаги қоғозга ташланди. Ҳамма нарсадан кечсам кечар эдимки, аммо хатни уларга бериб қўймасдим. Чунки хат улар қўлига тушса борми, «шармандалик»ни кўринг! Мен нима деган одам бўламан. Мен-ку, майли-я, «у қиз»-чи, шаъни нима бўлади? Унинг олдида мен ким, деган одам бўламан? Хат панжамда бурда-бурда бўлиб кетди. Ўқитувчилар қанчалик тиришмасинлар, қанча олишмасинлар хатни ололмадилар. Хатнинг бир парчаси бармоқларим орасидан ерга тушди. Аксига, шу парча қоғозда «у қиз»нинг исми ёзилган экан. Номусдан ерга кириб кетгудай бўлдим. Айниқса, адабиёт ўқитувчимиздан қаттиқ уялдим. У кишининг менга нисбатан меҳри, эътибори бўлакча эди-да. Ўсмир ёшимда шундай «жиноят» устида қўлга тушганимдан ниҳоятда азобландим. Ҳозирги қилмишим катта «жиноят»дек туюлди. Ваҳоланки, биз ахлоқан тарбияси «ёмон» ўқувчилардан эмас эдик... Ётоқхонага кира солиб ўзимни тўшакка отдим. Синф раҳбаримиз Убайдилла ака зимдан (у кишининг шунақа кузатиш одати бор эди) менга бир кўз ташлаб қўйди-да, оқариб кетган рангимдан ниманидир сезиб ташқарига чиқиб кетди. Сал ўтар-ўтмас қайтиб келиб: «Э, индамай ётганинг бежиз эмас экан-да» деб одати бўйича кесатиб қўйди. Бошқа гап гапирмади. Шундоқ ҳам бўларим бўлган эди. Туни билан мижжа қоқмай азобланиб чиқдим. Эртани кутиш янаям даҳшат!

Ўрнимдан ҳолсизланиб, хаста аҳволда турдим. Ранг-рўйим заъфарон. Нонушта қилмай теримга чиқиб кетдим. Қанча уринмай терган пахтам сира кўпаймасди. Бошим оғриб, кўзим тинарди. Тушликка яқин Ҳожиакбар ака тепамга келди. Бир ўзим чеккарокда тераётган эдим-да. Аҳволим бешбаттар оғирлашди. Ҳозир даҳшатли «хабар» эшитаман, деб ўйладим. Яъни эртага – йўқламада бўлиб ўтган воқеани эълон қилишади. У қизнинг ота-онасига, уйимдагиларга хабар қилишади. Мен учун энг қаттиқ жазо шармандалик эди, гап-сўзга қолиш эди. Бундай оғир синоатни кўтара олмасдим. Бинобарин, кўнгилсиз кор-ҳол юз бериши ҳам мумкин эди... Хожиакбар ака одатига кўра тишларини сал қисиб: «Кеча тарсаки қўйиб юбормоқчи эдим. Сенинг ҳам, ўзимнинг ҳам дилим сиёҳ бўлмасин, дедим», деди. Қўрқа-писа: «Энди нима бўлади?» дедим. «Қани, пахтани теравер-чи, мактабга қайтганда тўйни бошлаб юборамиз», деди жилмайгандай мендан нари кетаркан. Ичим ёришиб кетди. Бироз енгил тортгандай бўлдим. Хайрият, ғалва мен ўйлагандай жиддий тус олмабди. Қунт билан пахтани теришга киришиб кетдим... «У қиз»ни эса ўйлашга ўйлар эдим-у, бирор нарса қилишга юрагим дов бермасди...

(Давоми бор)

Азимжон ҚОСИМОВ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти- 20.00. Босишга топширилди- 21.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **027**-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1232. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10894
Саҳифаловчи — **Ш. БАРОҚОВ**
Рассом — **Н. ХОЛМУРОДОВ**
Навбатчи — **Д. ИБРОҲИМОВ**
Мусаҳҳиҳ — **С. САЙДАЛИМОВ**

2 3 4 5 6